O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • uzasziyoli@list.ru • 2007-yil, 16-mart • № 11 (3891)

## ЖАҲОН ЭЪТИРОФИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Туркистон — Пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервюсини биз нуронийлар мамнунлик билан ўқиб чиқдик. Пойтахтимиз Тошкентга "Ислом маданияти маркази" мақомининг берилиши мустақиллик йилларида мамлакатимизда муқаддас динимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарганлигининг, мамлакат миқёсида, хусусан, Тошкент шаҳрида тарихий исломий обидаларни асраб-авайлаш борасида катта ишлар қилинаётганлигининг эътирофи сифатида ғуруримизни ошириб юборди.

Собиқ мустабид тузум шароитида Ислом динига, диндорларга, диний қадриятларга муносабат қандай бўлганлигини биз яхши биламиз. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, халқимиз шу шароитда ҳам ислом маданиятига тааллуқли кўплаб нодир манбаларни, обидаларни сақлаб келган, эътиқодидан қайтмаган.

Биз, бир гуруҳ меҳнат фахрийлари Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларга саёҳат қилганимизда, бу ерларда ҳавас қилса арзигулик ободончилик ишлари амалга оширилаётганлигининг, кўплаб диний-тарихий иншоотлар қайта таъмирланганлигининг гувоҳи бўлиб, қувончимизга қувонч қўшилди. Бундай савобли ишлар Юртбошимизнинг ташаббуси билан Фарғона ва Марғилонда ҳам амалга оширилди. Бугун бу жойларга ёшлар келиб, ўтмиш аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолиятидан, келажак авлодларга қолдирган маънавий меросидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Шу ўринда мен севимли газетамиз ўқувчилари эътиборини муҳтарам Президентимизнинг бир фикрига қаратмоқчиман: "Ўзингиз ўйланг, агар биз истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб тарихий обидаларимизни қайта тиклаш, қадимий ва бой меросимизни ҳар томонлама асраб-авайлаш ва фарзандларимизга безавол етказиш ҳақида қайғурмасак, бунинг учун астойдил ҳаракат қилмасак, бугун маънавий ҳаётимизни озиқлантириш ва юксалтириш ҳақида гапириш мумкин бўлармиди?"

Тўқсонинчи йиллар бошида маънавий тарбия йўналишида айни шундай йўл тутилгани, Ўзбекистон тупроғида ётган улуғ аждодларимиз, не-не мутафаккир зотлар асрлар мобайнида яратган бебаҳо исломий, илмий, маданий меросдан халқимизни, ёш авлодни баҳраманд қилишга астойдил бел боғлаганимиз ўтган йиллар ичида эришган кўплаб ютуқларимизга асос бўлди, деб бемалол айта оламиз. Шундай экан, бу меросдан ҳамиша баҳраманд бўлишимиз, мустақил Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилишимиз, ортимиздан келаётган ёш авлод тарбияси билан доимий равишда шуғулланишимиз зарур бўлади.

**Ҳ.МИРЗАКАРИМОВ**

Асака шаҳри.



Не бахт, яна юртимга Наврўз айёми келди!

## "ИСТИҚЛОЛ: ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ" ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

***Куни кеча Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда ёшларнинг "Камолот" ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган "Истиқлол: замонамиз қаҳрамонлари" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди.***

***Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида яшаб ижод қилаётган таниқли ёзувчи-шоирлар, ёш ижодкорлар ҳамда журналистлар ўзларининг етмишга яқин асарлари билан иштирок этдилар. Танлов ҳайъати қарорига кўра:***

— **назм йўналиши бўйича** Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулланинг "Истиқлол достони" ғолиб деб топилди, Муҳсинали Собировнинг "Англаш фалсафаси" шеърий тўплами эса рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланди.

— **наср йўналиши бўйича** қорақалпоғистонлик адиб Муратбой Низоновнинг "Ақшагул" қиссаси, Исмоил Юлдошев ва Ўроз Бекназаровларнинг "Беш қиз ва бир йигит" номли қиссалари ғолиб деб топилди.

— **бадиий публицистика йўналиши бўйича** Раъножон Зарипованинг "Ўзбекистоннинг ҳар қарич ери бетакрор" публицистик тўплами ҳамда Хосият Бобомуродованинг "Қирқ қаҳрамон қиссаси" очерклар тўпламлари рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланди.

Танловда ғолиб бўлган асарлар 2007 йили Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги нашриётларда чоп этилади. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов танлов ғолибларини табриклаб, уларга диплом ва мукофотларни топширди.

Танлов ташаббускорлари унинг ижтимоий аҳамиятини назарда тутиб, замонамиз қаҳрамонлари ҳақида яратилаётган янги асарларнинг ижодкорларини рағбатлантириш мақсадида ушбу танловни анъанавий тарзда ўтказишга қарор қилдилар. Янги танлов шартлари матбуотда эълон қилинади.

***Жаҳон опера санъатининг йирик намояндаларидан бири, россиялик санъаткор Елена Образцова таниқли ўзбек опера солисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муяссар Раззоқованинг тенгсиз овози ва маҳорати хусусида тўхталиб: "Бу ноёб овозни нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон тинглаши, ундан ҳайратга тушиши керак", деганида қанчалар ҳақлигини "Туркистон" саройида ўтган концерт дастури яна бир карра исботлади.***

## ДУГОНАЛАР, БОРМИСИЗ-ОМОНМИСИЗ!

"Дугоналар, бормисиз-омонмисиз?" деб номланган бу концертни Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бастакорлар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, Миллий ахборот агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Консерватория билан ҳамкорликда ташкил этди. Бетакрор истеъдод соҳибаси, жаҳоннинг бир қанча давлатларида бўлиб, опера мухлисларини ўз санъати билан хушнуд этиб келаётган Муяссар Раззоқованинг бу катта хайрия концертида унинг ҳамкасблари — Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта театрининг бир гуруҳ етакчи солистлари ҳам иштирок этдилар.

Мазкур концерт дастурининг ташкил этилишида республика Хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси алоҳида аҳамият касб этди. Қўмита фаоллари саъй-ҳаракати билан Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Сирдарё вилоятининг фаол аёллари, кам таъминланган оилалар вакиллари, санъат шинавандалари жаҳон ва ўзбек мумтоз санъати намуналари, ажойиб лирик қўшиқларни тинглаб, катта маънавий озиқ олишга, кўнгилли ҳордиқ чиқаришга муваффақ бўлдилар.

Муяссар Раззоқованинг ўзи бу тадбир ҳақида шундай деди:

— Аввало, концертнинг шунчалик муваффақиятли ўтишини таъминлаган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига, ташкилотчиларга, ҳамкасбларимга, концертни тайёрлашда қатнашган барчага миннатдорлик билдираман. Айниқса, Ўзбекистон давлат консерваториясининг оркестрига алоҳида раҳмат демоқчиман. Бизнинг концертолди репетицияларимиз оркестр созандалари учун ҳам, мен учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Шу ўринда театрдаги ҳамкасбларим, концертда бирга қатнашган хонандалар учун бу тадбир катта воқеа бўлганини айтиб ўтмоқчиман. "Туркистон" залига оналаримиз, меҳнат фахрийлари, фаол аёллар, оддий томошабинлар йиғилдилар.

Биз учун муҳими эса, бугун жаҳон ва ўзбек мумтоз мусиқаси барча учун бирдек тушунарли ва қадрли бўлиб бораётганидир. Бундан буён ҳам худди шундай тадбирларни давом эттириш керак.

Кези келганда Муяссархоннинг бу концерти ўзбек композиторлари асарларининг ўзига хос тарғиботи бўлганини ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Хусусан, Мустафо Бафоевнинг "Гуллар валси", Анор Назаровнинг "Яшнар баҳорим" асарлари хонанда ижросида завқбахш жаранглади. Яқинда тайёрланган Рустам Абдуллаевнинг "Она мадҳияси" (Зулфия Мўминова шеъри) қўшиғи эса концертга келган барча аёлларга байрам туҳфаси бўлди. Концерт дастури хонанда ижросида "Ватан азиздир" (А.Назаров мусиқаси, Ж.Жабборов шеъри) қўшиғи билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор С.Иномова иштирок этди.

**Г.УМАРОВА**



## ТИЛ ВА ДИЛ МУШТАРАКЛИГИ

***Мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг "Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз", деган машҳур ибораси ҳеч қачон эскирмайдиган ибратли нақлга айланган. Шу боис, улуғ шоиримизнинг ўлмас асарларини мутолаа қилар эканмиз, аввало, сўз қудрати, унинг сеҳру жодусини ҳис этамиз. Алишер Навоий том маънодаги байналмилал ижодкор бўлган. Академик Алибек Рустамов бир маърузасида қайд этиб ўтганидек, агар Навоий рус тилини билганида, "солнце" сўзини ҳам, албатта, шеърларида қўллаган бўлар эди. Улуғ боболонимизнинг ибратли ишлари халқлар ўртасидаги муносабатлар учун кенг имкониятлар очилган бугунги кунда теран маъноларга эга бўлмоқда.***




Биздан унча узоқ бўлмаган Покистон Ислом республикаси билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг равнақ топиб бораётганлиги ҳам тарихий ва маданий яқинлигимизнинг ёрқин ифодасидир. Истеъдодли ҳиндшунос олим, филология фанлари номзоди Ансориддин Иброҳимовнинг яқинда чоп этилган "Урдуча-ўзбекча муштарак сўзлар" луғати ана шу дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Хўш, ўзбек олимини урдуча ва ўзбекча сўзлар муштараклигига оид луғат яратишга қандай омиллар даъват этди? Маълумки, туркий халқлар (қадимги саклар, массагетлар, сўнгроқ Бактрия, Кушон, Ўрта Осиё, Мовароуннаҳр — хуллас, исломдан олдин ва кейин ҳам) билан ҳинд халқлари ўртасида маданий-иқтисодий, сиёсий-ижтимоий муносабатлар қадимдан қарор топиб келган. Араб олими ва адиби Бузургмеҳр бундан минг йилча муқаддам ёзган "Ҳиндистон ажойиботлари" китобида бир вақтлар Ҳинд дарёси — Самарқанд дарёси, Ҳинд океани эса Самарқанд океани номи билан ҳам юритилгани ҳақида ёзган. Академик Э.Ртвеладзе Тошкентдаги Ҳиндистон маданият марказида ўтказилган илмий анжуманлардан бирида бу ҳақда ҳаяжонланиб гапирган эди. Мана шу узоқ муддатли жараёнлар даврида мазкур ҳудудларда истиқомат қилувчи халқлар тилида озмунча сўзлар ўзлашмаган, дейсизми. Айниқса, Ҳиндистон ярим ороли ва Ўрта Осиё ҳудудларига аввало ислом динининг кириб келиши, ундан сўнг форс тилининг ёйилиши тил муҳитини бутунлай ўзгартириб юборди. Урду тилининг юзага келиши айни шундай ҳодисанинг ёрқин тимсоли. А.Иброҳимов муштарак сўзлар луғатини тузишда бунга сабаб бўлган омилларни кўрсатиб берган.

Муаллиф луғатдан жой олган сўзларни мантиқан уч гуруҳга ажратади. Биринчиси, маънолари тўлиқ ёки деярли мос келадиган сўзлар бўлиб, "осмон", "замин", "инсон", "ҳолат", "бежо", "хабар" — шулар жумласидандир. Бу гуруҳдаги сўзлар луғатнинг катта қисмини ташкил этади. Иккинчи гуруҳга мансуб сўзлар ўз талаффузи ёки имлоси билан ўзбек ва урду тилларида бироз фарқ қилувчи сўзлардир. Масалан, "тарвуз" (тарбуз), "арра" (аарий), "жойнамоз" (жаанамааз) ва ҳоказо. Учинчи гуруҳ сўзлари шакл жиҳатдан бир хил, лекин маъноси бутунлай бошқа ёки жиддий фарқ қилувчи сўзлардир. Масалан, "асбоб" (урдуча маъноси — "сабаблар"), "эътибор" (урдуча маъноси — ишонч), "ифлос" (урдуча — қашшоқлик), "таклиф" (урдуча — қийинчилик), "тоза" (урдуча — янги), "таслим" (урдуча — қабул қилиш, салом бериш). Луғатдан яна мумтоз адабиёт, асосан, "Бобурнома"да учрайдиган талай сўзлар ўрин олган.

Муаллиф урду (яъни покистонийлар) учун тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг қисқача маъносини ҳам қавс ичида бериб боради.

Яқинда Исломободда ўнлаб мамлакатлардан ташриф буюрган олимлар иштирокида тақдимоти бўлиб ўтган ушбу китоб Покистон "Урду тили маркази" томонидан чоп этилган.

Мазкур "Урдуча-ўзбекча муштарак сўзлар" луғатини маъно-моҳиятига кўра, шубҳасиз тилшунослик, жумладан шарқшунослик соҳасида олға қўйилган муҳим қадам дейиш мумкин.

**Амир ФАЙЗУЛЛА**

Мангу лаҳза



Умр ўткинчи, лекин унинг суратларга муҳрланган лаҳзалари боқийдир. Бу лаҳзалар ҳаёт сонияларини кўз олдингда жонлантиради, соғинган кишиларинг, азиз ва муҳтарам сиймолар билан мулоқотларингни ёдингга солади.

...Бу суратни кўриб кўп нарсалар кўнглимдан кечди. Саид Аҳмад ака қизиқарли не гап айтдиларки, икки доврукли ёзувчи яйраб кулишди. Хойнаҳой, адабий учрашувдан сўнгги (Шуҳрат ака қўлидаги гул шунга ишора) хуш кайфият ва сўз орасида қистириб юборилган янги ҳангома.

Саид Аҳмад ака кирган давра ҳамиша файзли бўлади. Эсимда, шоир дам олиш уйининг директори Ориф Одилхоновнинг юбилей кечасида жиддий гапларни айтатуриб, "Дом отдих" овқатини еб ҳам олтмишга кирса бўларкан" деганларида, ҳордиқ масканлари таомларининг сифати кўзда тутилгани боис, қувноқ кулги кўтарилган эди.

Бу суратга боқиб мен Шуҳрат аканинг "Эркин, ҳар қандай шароитда ҳам кўнглингни чўктирма", деган ўгитини, Раҳмат ака билан Хивада узоқ суҳбатлар қурганимиз ва суратга тушганларимизни эсладим. Раҳмат Файзий сценарийси асосида суратга олинган "Сен етим эмассан" бадиий филми, ундаги ҳаяжонли воқеалар хаёлимдан кечди.

Ушбу сурат уч дўст, уч буюк адиб ҳаётининг шодумон бир лаҳзаси ҳақида мухтасар ҳикоядирки, у қўзғаган таассуротлар кўнгилга равшанлик бағишлаши тайин.

**Эркин САМАНДАР**

### Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги олдидан

## АДИБНИНГ ЖАСОРАТЛИ БИР СЎЗИ

***Устоз Абдулла Қаҳҳор тўғрисида мустақиллик даврида кўб ва хўб ёзилди. Уларда буюк адиб ва драматург мероси атрофлича таҳлил этилган ва баҳоланган, унинг ҳаётидаги кўпдан-кўп шов-шувларга сабаб бўлган воқеалар хусусида фикрлар баён қилинган.***

***Тақдири илоҳий тақозосига кўра, камина бу улуғ инсон билан ҳаётининг сўнгги 12-13 йили мобайнида баъзан хизмат юзасидан, баъзан ижодий давраларда, аҳён-аҳёнда эса, дўстларнинг оилавий йиғинларида кўп бор учрашишимга тўғри келган.***

Севимли газетамиз "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" (дастлабки номи "Ўзбекистон маданияти") ташкил этилган илк даврда Абдулла ака Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси эдилар. Шу боис газетанинг ижодий жамоасини шакллантиришда бош-қош бўлган Абдулла ака таҳририятга таклиф этилаётган ҳар бир ходимни шахсан ўзи қабул қилиб, у билан суҳбатлашиб, сўнгра оқ фотиҳа берар эдилар. Камина ҳам ўшанда устоз суҳбатидан муваффақиятли ўтиб, газетанинг адабиёт ва санъат бўлимини бошқаришга тавсия этилганим кечагидек ёдимда. Ёзувчилар уюшмаси билан таҳририят биноси у вақтларда "1-май" деб аталадиган кўчада жойлашган бўлиб, орада 3-4 дақиқалик масофа бор эди, холос. Ёзувчилар уюшмаси газета муассиси эканлиги сабабли уюшмада ўтадиган йиғинларнинг деярли барчасида иштирок этиш ва уларни газетада ёритиш каминанинг зиммасида эди. Шу важдан уюшмада отнинг қашқасидек таниқли эдим.

Абдулла Қаҳҳор уюшма раиси сифатида бошқарадиган йиғинларда у кишини деярли ҳар ҳафта учратиб, бошқаларникига сира ўхшамайдиган маъруза, луқмаларини эшитиб, ҳайратга тушардим. Тор доирадаги йиғинлар Абдулла Қаҳҳорнинг хизмат хонасида, кенгроқ доирадагилари эса, уюшманинг мажлислар залида ўтарди. Абдулла ака кенгроқ доирадаги йиғинларга махсус тайёргарлик кўрар ва ҳар сафар, албатта, бирор кутилмаган, оҳорли гап айтар, янги-янги тимсолларни истифодага киритар, шу сабабдан у кишининг нутқ ирод этиши кутилган йиғинларга ёзувчилардан ташқари адабиёт ихлосмандлари ҳам, қаердандир хабар топиб, гурра-гурра келишарди. Мажлислар залига одатда одам сиғмай кетадиган бундай йиғинларда Абдулла аканинг чиқиши байроқ вазифасини бажарар, анча вақтгача Тошкентда, ундан узоқ-узоқларда ҳам дув-дув гапларга боис бўларди. Бундай чиқишларнинг бирини Абдулла Қаҳҳор 1956 йилнинг жазирама ёзида ўтган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг пленумида қилган эди. Бу пленумда шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш масаласи кун тартибига қўйилган, 30 — 50-йиллари ноҳақ айбланган зиёлилар янгигина оқланган паллада бўлиб ўтганди. Пленумда қатағондан жабр кўриб, кечагина юртига қайтган ижодкорлар ҳам қатнашгандилар. Мажлис раёсатида ўша вақтдаги Олий кенгаш раёсатининг раиси, партия марказқўмининг мафкура бўйича котибаси ва бошқа казо-казо амалдорлар ўтиришибди. Бу пленумда Абдулла Қаҳҳор ҳақиқий жангчилардек кўкрагини қалқон қилиб, на ўтдан, на сувдан қўрқмай, тарихий нутқ сўзлагани ўша йиғин иштирокчиси Озод Шарафиддиновнинг ва бошқа бир неча ижодкорларнинг хотираномаларида баён қилинган. А.Қаҳҳор ўз нутқида 50-йиллар бошларидаги қатағонларда энг истеъдодли ижодкорларнинг чексиз бало-офатларга дучор этилишида машъум вазифани бажарган Владимир Милчаковни адабиётимиз жаллоди, деб атаб, ўз фикрларини рад қилиб бўлмас далиллар билан исботлагани кўпчиликка маълум. Мен шу нутқ оқибати билан боғлиқ, аммо бармоқ билан санарли кишиларгина билган бир воқеа ҳақида ёзмоқчиман.

Давоми тўртинчи бетда.

## Жалолиддин Муҳаммад Румий таваллудининг 800 йиллиги олдидан

# ОРИФЛАР СУЛТОНИ

***Бу йил тараққийпарвар инсоният XIII аср сўфийлик тариқатининг буюк намояндаси, барча даврларнинг улуғ шоири Жалолиддин Муҳаммад Румий (Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий) таваллудининг 800 йиллигини кенг нишонлайди. Жалолиддин Румий ҳозирги Афғонистон шимолидаги Балх шаҳрида 1207 йилнинг 30 сентябрида таваллуд топган ва 1273 йил 17 декабрда Туркиянинг Куня шаҳрида вафот этган. У чаҳориёрлардан Абу Бакр Сиддиқ зурриёдларидан ҳисобланади. Румийнинг бувиси Алоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қизи, отаси Баҳоуддин Валад эса шайх Нажмиддин Кубро муридларидан бўлган.***

Сўфийлик тариқатининг буюк йўлбошчи алломаларидан бўлган мавлоно Жалолиддин Румий мусулмон оламининг улуғ шоири сифатида ҳам беҳисоя қадрланади. У форс, араб, юнон ва турк тилларини мукаммал билган. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти — АЙСЕСКО томонидан Тошкентнинг "Ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилинган йилда қадим Турон юртининг улуғ фарзанди Жалолиддин Румий таваллудининг 800 йиллиги нишонланишида катта мазмун ва моҳият бор, деб ўйлайман. Румийнинг қабри устида ҳўнграб йиғлаётган бир насронийдан "Нега мусулмонлар шоири қабрида кўз ёш тўкяпсан?", деб сўраганларида "Биз уни давримизнинг Мусоси, Довуди ва Исоси каби муқаддас биламиз. Барчамиз унинг издоши ва шогирдларимиз", деб жавоб берган экан. Насоро ва яҳудийлар ҳам Румийни муаллим, деб билишган.

Сўфийлик таълимотининг асосий объекти инсон ва унинг Аллоҳга муносабатидир. Сўфийликда ва унинг сулукларида пир ва шогирдлик муносабатлари асосий ўрин тутади. Сўфийлик тариқатида руҳий камолотга эришишнинг асосий йўллари тўрт босқичдан иборат. Тасаввуф аҳли аввало ислом динининг барча талабларига бўйсуниши керак. Бу — биринчи босқич шариатни ташкил этади. Фақат шундан кейингина иккинчи босқич — тариқатга кўтарилиш мумкин. Булардан ўтганлар учинчи босқич — маърифатга эришадилар. Бундан кейин тўртинчи босқич — ҳақиқат эгалланади.

Ҳақиқатга эришув жараёнида сўфийлик шахс сифатида туғаб, Аллоҳга етишиши мумкин. Бу жараёнда улар абадийликка эга бўладилар, деб таълим беради ислом уламолари. Бундай юксак мақомга сўфийлар махсус руҳий ва жисмоний ҳаракатлар — сиғиниш ва ибодат орқали интиладилар. Сўфизм моддий бойликка эга бўлишни қоралаб, ҳақиқий бойлик — маънавий, руҳий бойлик деб ҳисоблайди.

В.Бартольд Мовароуннаҳрда кенг тарқалган сўфизм оқими Юсуф Ҳамадоний (XII аср) тариқатидан бошланган, деб ҳисоблайди. Бу тариқатда ҳам кейинчалик турли йўналишлар пайдо бўлган. Уларнинг энг йириклари Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Хўжа Аҳмад Яссавий номлари билан боғлиқдир. Баҳоуддин Нақшбанд Саид Муҳаммад ибн Жалолиддин (1318 — 1389) устози Мир Саид Кулол таъсирида ўз тариқатини яратган. Баҳоуддин Нақшбанднинг айрим қарашлари сўфизмнинг бошқа вакиллари, хусусан, Аҳмад Яссавий



қарашларидан фарқланади. У ҳам фақирликка, мискинликка ундайди, лекин хайр-эҳсон ҳисобига эмас, балки фақат ўз меҳнати билан яшашни ёқлайди. Нақшбанд: "Дилинг Аллоҳ муҳаббатидаю қўлинг эса ишда бўлсин" ("Дил ба ёру, даст ба кор") деган нуқтаи назарни илгари суради.

Қирқ ёшларида тасаввуфга оид таълимотини тарғиб қила бошлаган Румий ўз тахаллусига Рум салтанатининг номини асос қилиб олган, деган қараш кўп урф бўлган. Бироқ Румий сўзининг сон эквивалентлари йиғиндиси 256 га тенг келишини эътиборга олсангиз, бу **нур** сўзининг маъноси илдизига мос келиши маълум бўлади. Араб, эрон ва ўзбек тилларида ушбу илдиз "ёруғлик" сўзининг маъносини беради. Румийнинг отаси Баҳоуддин Валад машҳур валий Нажмиддин Кубродан ижозат қоғози олиб, ҳақ сўз бўйича мустақил фикр-мулоҳаза юритиш ҳуқуқига эга бўлган. Унга тушида пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) унинг Султон-ул-Уламо (Уламолар Султони) бўлгани ҳақида хабар берган. Баҳоуддин Валад ўз даврининг мусулмон илоҳиётидаги зўр донишмандлардан ҳисобланган. Унинг "Ал-Маъориф" асари Жалолиддин дунёқараши шаклланишида муҳим рол ўйнаган.

Баҳоуддин Валад Нажмиддин Кубронинг Мажиддин Бағдодий исмли муриди билан ҳам қадрдон бўлган. Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асаридаги кафтдаги тегирмон тоши ҳақидаги ривоят Бағдодийга мансубдир... Шайх Бағдодий Муҳаммад Хоразмшоҳдаги кибр-ҳаво, улуғлик васвасаси, золимлик бир оз бўлса ҳам барҳам топармикан, деган ниятда шоҳ хонадонига яқинлашади. Лекин шайхнинг улуғ қалбини кўришга ожиз бўлган Хоразмшоҳ унинг бошини кесдириб, Амударёга ташлатган экан. Шу кундан эътиборан шоҳни буюк уламонинг ноҳақ тўкилган қони тутиб, омад юз ўгиради...

Баҳоуддин Валад 1219 йил қиш кунларининг бирида Балхдаги жомъе мачитида оиласи ва уч юз муриди билан шаҳарни ташлаб кетаётганини маълум қилади. Бунга сабаб қилиб, бир йилдан кейин шарқ томондан мўғулларнинг чигиртка мисол беҳисоб аскари ёпирилиб келиши, бу ерлар ва Хуросан элида қирғинлар бўлишини башорат қилади. Баҳоуддиннинг карвони Нишопурда бир оз тўхтаб ўтади. Шунда Аттор билан учрашиш учун Баҳоуддин унинг шаҳардан ташқаридаги овлоқ ҳужрасига боради. Ушбу учрашув чоғи 12 яшарлик Жалолиддин устози Атторни кўради ва унинг суҳбатига муяссар бўлади. Аттор Жалолиддинга ўзининг "Асрорнома" китобини туҳфа қилади.

Уламолар Султони Баҳоуддин Валад оиласи ҳаж амалларини адо этиб қайтгач, Салжуқийлар давлатининг Ларанда шаҳрида (Туркиянинг ҳозирги Караман шаҳри) етти йил истиқомат қилади.

Салжуқийлар султони Алоиддин Қайқубод I Уламолар Султонини ўз

> **Биз бу дунёга одамларни бир-бирларидан фарқлаш, ажратиш учун эмас, аксинча уларни бир-бирларига яқинлаштириш учун келганмиз.**
> **Жалолиддин РУМИЙ**

яқинлари билан биргаликда Куня шаҳри ташқарисига чиқиб кутиб олади. Баҳоуддин Куня шаҳри маъқул бўлади ва Жалолиддинга шаҳарни кўрсата туриб: "Қара, ўғлим, ... бу шаҳарда яшаш сенга, набираларимга, набираларимнинг набираларига насиб қилсин. Ўз қалъангни хайрли, эзгу, савоб ишлардан қургин. Оламда ушбу қалъадан мустаҳкамроғи бўлмайди", — деб насиҳат қилади. Баҳоуддин Валад 73 ёшда (1231 йил 12 январ) вафот этади.

Бу пайтда Жалолиддин 24 ёшда эди. Ёш бўлишига қарамасдан катта олим бўлиб етишган эди. Балхдалигидаёқ Қуръони каримни, қатор ҳадислар, уларнинг тафсирларини ёд биларди. Шоҳлар тарихи, улуғ риёзатчилар, зоҳидлар ва сўфийлик пешволарининг ҳаёт йўллари билан таниш эди. Дамашқ ва Ҳалаб мадрасаларида йирик олим ва шайхларнинг астрология, алхимия, алгебра, геометрия ва тиббиёт соҳасидаги сабоқларини тинглаган ва шу ёшида замонасининг энг доно одамлари эга бўлиши мумкин бўлган илмларнинг барчасини эгаллаган эди. Лекин билим бошқа, тажриба бошқа! Кунялик кўп руҳонийлар Жалолиддинга ҳасади келиб, унда шайх-муаллим ижозати йўқлигини писанда қиладилар. Жалолиддин отаси вафотининг қирқинчи куни жомъе мачитида хутбани ўқиб бўлгач, йўлга отланади. Ҳалаб ва Дамашқ шаҳарларида ўзининг билим савиясини яна бир бор синовдан ўтказиб, олимлар, уламо ва шайхлар муҳри босилган ижозат қоғози билан Куняга қайтиб келади. Куняга келиб Жалолиддин ўзининг севимли ёри Гавҳаройим оламдан ўтганидан хабар топиб, чуқур қайғуга ботади. Бахил уламо ва шайхлар унинг ушбу қайғусини тақдирга тан бермаслик дея баҳолашиб, яна Жалолиддиннинг йўлига тўғаноқ бўла бошлашади.

Шу кезларда Баҳоуддин Валаднинг ўғли Жалолиддинга таянч лозим бўлиб қолганини каромат ила сезган шайх Саид Бурҳониддин Термиздан Куняга етиб келади. У 12 йилдан бери Жалолиддинни кўрмаган эди. Саид Бурҳониддин Жалолиддиннинг билимига юқори баҳо беради ва "Дин илмида ва бизнинг билимда сен ўз отангдан ҳам илгарилаб кетибсан. Лекин отанг бундан ташқари яна махфийни ҳам фаҳмлаш илмини эгаллаган эди. Мен ушбу илмга сенинг отанг, менинг шайхим сабабли сазовор бўлдим. Энди мен сени ушбу йўлдан олиб ўтмоқчиман. Сен махфийни билиш илмида ҳам отанга тенг бўлиб унинг меросхўри бўлгин", дея Жалолиддинни тиз чўктирган ҳолда ўзига муридликка қабул қилади. Ушбу хайрли риёзат йўлида Аллоҳдан сабр-тоқат, бардош беришини сўраб дуо қилади. Жалолиддинга дарвешлар кийиб юрадиган хирқа ва кулоҳ кийдиради, белига итоатгўйлик белбоғини бойлайди, жингалак соқоли ва сочини қиртишлаб олиб, қошларини куйдириб ташлайди. Шундан сўнг Саид Бурҳониддин энг аввал Жалолиддиндаги кибру-ҳавони ўлдириш учун уни ҳар куни кишилар хизматига чиқиб уларнинг ҳожатхоналарини, тўкиндихоналарини тозалаш каби ишларни бажаришга буюради. Ушбу ишларни бажариб қайтган Жалолиддин тонг отгунча ибодатда бўлади, отасининг "Маориф" китобини ўқийди. Саид Бурҳониддиннинг талаби билан ушбу китобни 101 маротаба ўқиб чиқиш шарт қилиб қўйилади. Бироз вақт ўтгач, Саид Бурҳониддин Жалолиддиндан шаҳарда юриб, одамларнинг уйига бориб садақа сўрашни ҳам талаб қилади. "Билиб қўй, қалбни тозалаш ахлатхоналарни тозалашдан кўра мураккаброқдир", — деб ўгит беради... Шу каби оғир синовлар билан муридлар учун одатда талаб қилинадиган 1001 кун ниҳоясига етади. Синовларни талаб даражасида бажарган Жалолиддинни устози бағрига босади ва унга Орифлар либосини кийдириб фотиҳа беради.




Жалолиддин Кунянинг энг машҳур, энг севимли зоҳиди ва сўфий хатибларидан бирига айланади. У ўз даврида ақл билан етишиш мумкин бўлган барча нарсаларни билар эди. Лекин юрагида бир изтироб бор эди. Уни нима қилиш кераклигини билмасди. У ўзини билди, одамларни билди. Лекин булар унга хурсандлик бахш эта олмади. У жуда ҳам маъюс эди... 1244 йилнинг 26 ноябр куни музокарали бир йиғинга кетаётган Жалолиддин минган хачир тизгинини нотаниш кимса маҳкам ушлаб тўхтатади ва савол назари ила боққан Жалолиддинга: "Эй, у ва бу дунё ҳақидаги фикр, маъноларни янгиловчи! Айт-чи, ким юқорироқ — Муҳаммадми ёки Боязид Бистомий?", дея қалтис савол беради. Боязид Бистомий IX асрда яшаган зоҳид, сўфий пешволардан бўлган. У "Илон ўзининг пўстини ташлагандек, мен ўзимни улоқтириб ташладим. Ўз моҳиятимга назар солдим ва...оҳ, мен Ў бўлдим!" деган фикрни билдиради. Руҳонийлар бу сўзларда гуноҳи азим маъносини ўқишиб, уни кофирга чиқаришади ва она шаҳридан қувишади. Лекин сўфийлар орасида у улуғ обрў-эътибор қозонган, "Султон ал-орифин" тахаллусини олган эди. Юқоридаги савол эса Жалолиддинга тумонот одам, муридлар қуршовида берилган бўлиб, ҳамма унинг жавобини кутиб турарди. Жалолиддин: "Бу қандай савол? Албатта, Муҳаммад буюк!", деб жавоб беради. "Хўп, майли", дейди номаълум кимса. "Нима учун унда Муҳаммад: "Менинг юрагимни занг босади ва мен ҳар куни етмиш маротабалаб Раббимга тавба қиламан!" — дейди-ю, Боязид эса: "Мен ўзимни барча номукаммал сифатларимдан тозаладим ва баданимда Худодан бўлак ҳеч нарса йўқ. Мен шарафланганман, мен шарафланганман о, қанчалар менинг мартабам буюк", деган?" — деб ўзининг иккинчи асосий саволини беради. Жалолиддин нотаниш кимсанинг саволи фақат қалтис эмас, шу билан бирга ўта дадил ва мураккаб ҳам эканини сезади ва: "Муҳаммад ҳар куни етмиш манзилни ўтар эди ва ҳар сафар янги босқичга етгач, ўзининг олдинги босқичдаги номукаммал билимидан ўкиниб тавба қиларди. Боязид эса ўзи етган бирдан бир манзилнинг улуғлиги билангина ўзидан кетиб қолди ва гумроҳликка берилиш боис ушбу сўзларни айтди...", деб жавоб беради.

Нотаниш одам ушбу жавобни эшитган заҳоти ҳушидан кетиб ерга йиқилади. Бу одам Саид Бурҳониддин каромат қилган — Жалолиддиннинг дунёқарашида жиддий ўзгаришлар ярата олган Шамсиддин Табризий эди. У узоқ йиллар Абу Бакр Табризий қўлида сабоқ олган бўлиб, Жалолиддинга берган саволга ўхшаш саволларига устози вафот этиб кетганлиги сабабли жавоб топа олмагач, Румий билан учрашиш учун йўл олган эди. Янги дўстлар суҳбати бетиним уч ой давом этади ва шундан сўнг оламга бутунлай янги бир Жалолиддин кириб келгандек бўлади.

Ғарбда бу учрашувни Суқрот ва Афлотун, Шиллер ва Гёте учрашувидек аҳамият касб этди, деб тарифлашади. Ушбу учрашув боис Жалолиддиннинг маъюс ҳаёти барҳам топади. Унинг ўрнига мусиқа, рақс, шеърият кириб келади. Шамсиддин Табризий Жалолиддинни шоир Румийга айлантиради. Румий 1248 йилдан бошлаб — Табризий вафотидан сўнг ўз ғазалларини Шамсиддин Табризий тахаллуси билан ёза бошлайди. Бу ғазаллар кейинчалик унинг етти жилдлик "Девони Кабир" шеърлар тўпламига киритилади. Румийнинг 43 йил ижод қилиб, умри охирларида якунлаган олти жилдлик шоҳ асари "Маснавийи маънавий" унга айниқса кўп шараф келтирди. Ушбу асар муаллиф сўзлари билан айтганда Қуръони каримнинг сирли маъноларини очиб беради (Асарда Қуръони каримга 760 маротаба мурожат қилинган).

Румий нуқтаи назарига кўра исломнинг бошланғич даврларида дин намояндалари ҳақиқатни яхши билишар эди. Лекин кейинчалик уларнинг издошлари ўз хатти-ҳаракатларини шундай ташкил қилишдики, натижада бир нечта одамни ҳисобга олмаса, барча дил ёруғлигидан бенасиб бўлиб қолишди. Шунинг учун Румий ҳақиқатга етишиш масаласида янги йўл қидирди ва унинг ўзига хос йўлини топди. Унинг маснавийларида ибратли ҳикоя ва ривоятлар жуда сероб. Бир ривоятда келтирилишича, бировнинг ҳовлисига нотаниш кимса ранглари ўчган ҳолатда ҳовлиқиб кириб келиб, салом йўқ, алик йўқ, ўзини эшик панасига олади. Уй эгаси: "Ҳа, биродар бунчалик безовтасиз, тинчликми?" деб ажабланиб сўраса, у одам: "Кўчада мўғуллар шоҳнинг одамлари эшаклар терисини шилишмоқда. Шундан қўрқиб ўзимни панага олдим", дейди. Уй эгаси бунга жавобан: "Биродар, сиз эшак эмассиз-ку? Нега бунчалик қўрқасиз?", дейди. Шунда у одам: "Биродар, мен ўзимнинг эшак эмаслигимни ўзим биламан, лекин мўғулларнинг авзои жуда бузуқ. Шунинг учун эшак билан менинг фарқимга бормай қолишадими, деб эҳтиёт шарт ўзимни четга олдим", дея суҳбатдош кўнглини қаноатлантирган экан.

Румийнинг бундай ривоятни ёзиши бежиз эмасди. У яшаган давр мўғул истилочилари от сурган — инсоният тарихидаги энг қора кунлар эди. Куняга мўғул лашкарлари хавф солиб келар, ўша оғир кунларда куняликларнинг умид кўзи мавлоно Румийга тикилган эди... Бўлажак даҳшатлар қаршисида чуқур ўйга чўмган Румий 654 ҳижрий йил зулқаъда ойининг охири шанба куни (1256 йил) кечки пайт Кунянинг шарқий дарвозаси орқали шаҳар ташқарисига чиқиб кетади ва бир тепалик устида ёлғиз ўзи тонг отгунча Аллоҳга нола қилиб, элни мўғул фалокатидан асрашни илтижо қилиб сўрайди. Шу куни эрта тонгда, Куня халқи кўрсаки, мўғул ҳоқони Илхон Хулагу юборган Байжу бошчилигидаги мўғул аскарларидан ном-нишон ҳам қолмаган.

Шундай кароматлар соҳиби, қадим Турон юртининг улуғ фарзанди, буюк файласуф, шоири аъзам Жалолиддин Румийдан инсониятга унинг ўттиз бир минг мисрали шоҳ асари — оламга машҳур "Маснавий", икки минг етмиш уч ғазални ўз ичига олган қирқ тўрт минг мисрали лирик шеърлар тўплами — "Улуғ девон" ва тўрт минг мисрадан иборат фалсафий ҳамда лирик тўртликлар, рубоийлар мерос бўлиб қолди. Бу улкан ва бебаҳо маънавий хазинанинг қиммати асрлардан асрларга ошиб, ҳамон қанчадан-қанча кўнгилларни ўз нури билан ёритиб келмоқда.

**Мансурхон ТОИРОВ**

# БОҚИЙ МЕРОСИМИЗ ЗАМИНИ

***Тошкент шаҳрига "Ислом маданияти пойтахти" мақоми берилгани барчамизни қувонтирди. Президентимизнинг "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервюсида бу муҳим тарихий, маданий-маънавий воқеанинг туб моҳияти очиб берилган. Улкан ижтимоий-сиёсий, илмий аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжат барчамизга дастуриламал бўлиб хизмат қилади, янги илмий тадқиқотларнинг концепциясини белгилаб беради. Интервюда Ислом маданий-маърифий меросини тўғри англаш ва талқин этиш зарурлиги алоҳида қайд этилади. Олим ва мутахассисларнинг бу борада масъулиятни ҳис этиб фаолият кўрсатишининг аҳамияти таъкидланадаки, бу ҳол таълим-тарбияга доир режаларимиз қайта кўриб чиқилишини тақозо этади.***

Ислом маданиятига доир қадимий миноралармиз миллий меъморчилик санъатимизнинг гўзал, ноёб кўринишлари бўлиш билан бирга, мусулмон маданиятининг улуғворлигини, коммуникацион фаолияти ҳали ҳам давом этаётганини, уни яратганларнинг эстетик қарашлари юксаклигини исбот этиб турибди. Эстетик категориялар, фалсафий тушунчалар, олий математика назарияси (жумладан, интеграл ҳисоблаш, ўлчаш назарияси), геометрик мутаносиблик талаблари ҳисобга олинган ҳолда бунёд этилган маҳобатли иншоот ҳам завқ беради, ҳам фикр уйғотади.

Мусулмон маданиятининг барча кўринишларига хос бўлган улуғворлик, гўзаллик, ҳатто мангулик белгиларига эга бўлган бу мафтункор манзара ислом оламида ҳамиша қадрланиб келинаётган мантиқ ўлчовлари, қонун-қоидаларга ҳам мос келади. Шу билан бирга, коммуникатив вазифаларни ҳам аъло даражада бажаради: миноранинг лойиҳаси устида ишлаган уста меъморнинг билими, зеҳни, гўзаллик қонуниятларидан ташқари гармония, материаллар қаршилиги, рангшунослик, тик ва ётиқ чизгилар (кўринишлар) муносабати борасидаги чуқур тушунчаси ҳақида ахборот беради. Ғиштнинг шакли ҳамда таркиби, белбоғнинг (минора белбоғи) қалинлиги, қанча масофа ўтгач қайтарилиб туриши, ранглар силсиласи ҳамда унда устун турган туснинг "юки" — ғояси улкан устахонанинг ўзига хослигидан бизни бохабар қилади ва, муҳими, бу салобатли иншоотлар улуғ алломалар таълимотининг юксаклиги, улуғворлигини таъкидлаб туради. Фалсафий фикрнинг бир-икки "қатлами" юлдузлар томон бўй чўзган минорада мужассам бўлиб, тангрига ошуфта бўлганларнинг фикри-зикрини, ҳис-ҳаяжонини кўрсатиб — визуаллаштириб туради.



Мазкур маданият таъсирида мумтоз шеъриятимизда абстракт фикрлаш ҳамда, ҳозирги тилда айтганда, интеллектуал тушунчаларни саёзлаштирмай образли ифодаларда мужассам этиш йўллари изланди. Натижада умуминсоний, теран фалсафий ғоялар тенги йўқ мисраларда ўзининг гўзал эстетик талқинини топди. Бадиий тафаккур ҳассос китобхонга руҳий озиқ берди. Эпик кенгликдаги воқеликни теран идрок этишга бўлган интилиш, абстракт фикрлаш жараёни мажозий маънога эга бўлган муайян ижролар ижод этилишига олиб келди. Уларнинг фалсафий теранлиги, юксак эстетик қиймати асрлар давомида эътироф этиб келинаётгани бежиз эмас. Ҳозир ҳам боболонларимиз, улкан истеъдод ва заковат соҳиблари танлаган бадиий тадқиқот объектларининг эстетик таърифини босқичма-босқич, тобора кенгроқ, теран, мукаммал бўлишини таъминлаш иштиёқи ижод дамларида кучли бўлганини сезиб турамиз. Тасаввуф илмининг таъсирида бўлган алломаларнинг бадиий ижоддаги изланиши, камолот сари бўлган иштиёқи муттасил ўсиб бориши мумтоз шеъриятимизда фалсафий тушунчалар ва гўзал эстетик шаклларда ўзининг ифодасини топа борганига ишонч ҳосил қилиш учун Алишер Навоий, Жомий, Лутфий кабиларнинг ўлмас мисраларига мурожаат этишнинг ўзи кифоя. Бу дурдона сўзларнинг зийнати ва қиймати аввало уларнинг заминида теран фалсафа ётишида. Буни барчамиз ҳамиша ҳис этиб турамиз.

Биз сержило меросимизнинг барқарор пойдевори бўлмиш ислом маданиятининг бир-икки кўриниши ҳақида фикр юритдик. Аслида ҳаётимизнинг бугунги босқичида пайдо бўлган ва фаолиятимизнинг турли соҳаларига тобора сингиб кетаётган "Интернет тармоқ матн", "сетература", "виртуал кутубхона", "толерантлик" каби сўз ва тушунчаларнинг илдизларини изласак, ислом маданиятининг бир-биридан кўркам ва мафтункор соҳалари кўз ўнгимизда намоён бўла боради. Шунда Юртбошимиз куни кеча қайд этган мулоҳазалари, "аждодларимиз қолдирган мерос", "ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси", бу меросни "замон талаблари асосида кенг ва атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, ундан халқимизни баҳраманд қилиш" ҳақидаги сўзлари қанчалик долзарб эканини тушунамиз.

Ислом маданияти ва унинг ўтмишида, бугунги кундаги ўрнига бағишланган маъруза ва эшиттиришлар, кўрсатувлар, илмий очерклар ҳамда давра суҳбатлари, аввало, методологик жиҳатдан пухта бўлиши зарур кўринади.

**Ҳамидулла АКБАРОВ**

# ВАТАН ИШҚИ ТАЖАЛЛИСИ




Борлиқни беғубор кўриш, оламни мусаффо тасаввур этиш гўзал туйғулар соҳиби бўлган инсоннинг фазилатидир. Юраги тоза одамнинг юзидан нур ёғилиб туради. У одамларга фақатгина яхшиликни раво кўради. Зотан дунёни гўзаллик қутқаради, деган ҳикматли сўз мазмунида маънавий гўзаллик ҳам назарда тутилган.

Андижонлик шоира Хуршида инсоннинг ана шундай олижаноб кечинмаларини қаламга олади.

**Халқим, теграngга боқ, ҳар ён мусаффо,**
**Осмон мусаффодир — замон мусаффо,**
**Мусаффодир диллар — виждон мусаффо,**
**Не бахт, томирда қон — туғён мусаффо!**

**Аждодларим руҳи шодон, мусаффо!**

Бу мисраларда истиқлол шукуҳи, озод ва обод юртда яшаш бахти, осойишта замоннинг қадрига етиш туйғуси ўз аксини топган. Шеър "Мусаффо маскан" дея номланган. Элу юрт, халқимизнинг юксак маънавияти ҳақида ёзиш шоира қалбига ўзгача сурур бахш этади. Ушбу шеърда эса она-ватанимиз баҳори ҳам ўзгача тароват касб этади.

**Баҳор!**
**Қалбим сенингдек софдир, ишон!**
**Шаббодангдек ҳисларим бедор, беозор,**
**Осмонингдан юксакда ишқим яшар,**
**Тупроғингнинг остида юрагим бор.**

Устоз шоирларимиз шеъриятни ёруғ юлдузлардан майсаларга уланган тор, деб ташбеҳ этишган. Аслида, бу тор — дил торларидир. Уни ишқ ва муҳаббат чертади.

Шоиранинг қаҳрамони менинг қалбим ҳам кўклам ҳавосидек беғубор, туйғуларим шаббодадек беозор, дейди. "Осмонингдан юксакда ишқим яшар, тупроғингнинг остида юрагим бор..."

Хуршиданинг яқинда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган "Тажалли" деб номланган шеърлар тўплами мазмун-мундарижасида ватанга муҳаббат — ватан севгиси намоёндир.

Китоб муҳаррири Жонибек Субҳон. Рассом — Ортиқали Қозоқов.

**Рустам МУСУРМОН**

*Муҳокама учун мавзу*

# КЎЧАТ ЭКИШ ЯХШИ, АММО...

Оқшом пайти кўчамиз бошидаги улкан чинор йиқилди. Дарахт кесувчилар то тонгга қадар арралаб-бутаб саранжом-саришта қилишди. Эрталаб маҳаллага гап ёйилди — қўшнилар уюшиб сумалак пиширишмоқчи...

Азим чинорнинг кесилишидан бошланган кўнглимдаги ғашлик бошқа бир ҳолатларни ҳам рўйи-рост кўришга, улардан кўз юмиб бўлмасликни англашга ундади.

Кунлар илиши билан шаҳар хиёбонларида, қишлоқларда ҳашар ишлари бошланиб кетади. Негадир бу паллада хоҳ маҳалла-кўйда дарахт оқлаб, кўчат экишми, дала-даштда ариқ-зовур тозалашми, кишига малол келмайди. Сабаби, кўкламолди кунлари киши феъл-атвори мулойим тортиб, руҳияти ҳамжиҳатликни қўмсаб қолади. Шунинг учун бўлса керак, кўпчилик билан ўтадиган байрам сайиллари, дошқозон атрофидаги тонготар ўйин-кулгу айнан шу кунларда кўпроқ ярашади.

Бироқ, "Ҳар яхшининг бир лекини..." деганларидек, атроф-муҳитга бефарқлик, беписандлик ортидан келаётган нохуш оқибатлар киши кўнглини хира қилади. Ахир ўйланг, бир қозон сумалак тайёрлаш учун ҳўл-қуруғининг фарқига борилмай 40-50 йиллик дарахт кесилса, табиатни асраш ҳақидаги шиорлар қаерга кетади?

Яқинда қишлоқда бўлганимда ғалати гап эшитдим. Мактаб ўқувчилари ҳар бир синф ҳисобидан бир тупдан арча кўчати олиб келишлари керак экан. Маъмуриятнинг мақсади мактаб ҳовлисини кўкаламзорлаштириш. Ваҳоланки, бундан 7-8 йил муқаддам шу ерда — бугун кўчат экиш керак бўлган ҳовлида дарахтлар шовуллаб ўсиб турарди. Кейин гуркираб-яшнаб турган, кўши қулочи етмас мажнунтол ва чинорлар бирваракайига кесилди. Ўрнига экилган терак кўчатлари эса қаровсиз қолди.

Ҳар йили баҳорда юртимизда кўча ва хиёбонларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошланади, хайрия ҳашарлари ўтказилади, ҳар бир ташкилот "Биз бу йил фалон минг туп мевали, манзарали кўчатлар экдик, шунча жой гулзорга айлантирилди", деб ҳисобот беради. Газеталарда "Фалон жойда ҳашар йўли билан фалон гектарлик боғ барпо этилди, фалон туп ноёб гуллар экилди", деган ахборотлар чиқади. Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармасига қарашли "Манзарали дарахтлар, боғдорчилик ва гулчилик" очиқ турдаги жамоа хўжалигининг бир ўзи йилига 50 минг туп атрофида ҳар хил тур ва навдаги кўчатлар етиштириб беради. Бундан ташқари, шахсий хўжаликларда, томорқаларда ҳар йили қанчадан-қанча кўчат етиштирилади. Шуларнинг ҳаммаси ҳар йили экилади. Лекин... қаровсиз жойлар камаймайди. Нега шундай бўлади?



Бунинг сабаби шуки, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича берилаётган ҳисоботларда ёлғони кўп. Уларда акс этган кўчатлар ерга эмас, қоғозга экилган. Экилганлари эса кўп ҳолларда қаровсиз қолиб кетади, сувсизликдан қурийди ёки бирорта "тадбиркор" техника билан суриб ташлаб, ўрнига ошхонами, тижорат омборими қуради. Бундай деяётганимнинг сабаби, агарки, кейинги ўн-ўн беш йил ичида ободонлаштириш бўйича берилган ҳисоботларда акс этган рақамларга асосланадиган бўлсак, мамлакат аллақачон шовуллаб турган ўрмонзорга, меваси ҳеч қаерга сиғмайдиган боғ-роғларга, кўзни оладиган гулзорга айланиб кетган бўлар эди.

Кўчат экиш — хайрли иш, аммо унинг парвариши янада хайрлидир.

**Носиржон ЖЎРАЕВ**

ЧОРШАМЪ

# МЕН МУҲАББАТ МАФТУНИ



*Мен осмонда яшайман, осмон менинг Ватаним,*
*Гоҳи Зуҳал, гоҳи ой, Чўлпон менинг Ватаним.*

*Юлдузлардан юлдузга кўчиб юрганим-юрган,*
*Қуёш каби айланган даврон менинг Ватаним.*

*Гоҳи ерга тушаман, мўъжазгина бу олам,*
*Унда қадам ба қадам Турон менинг Ватаним.*

*Тахайюлга берилиб қироатлар қилурман,*
*Оятлари муқаддас Қуръон менинг Ватаним.*

*Умр ғунча, гул каби гоҳ очилиб, гоҳ сўлур,*
*Очилган ҳар лаҳзада имкон менинг Ватаним.*

*Ҳаётимни бахшида этгум азиз зотларга,*
*Ҳақ олдида ҳақ бўлган инсон менинг Ватаним.*

*Осмондами, ердами — қаерда бўлмай, Чоршамъ,*
*Пок вужудда пок руҳ-у, иймон менинг Ватаним.*

* * *

*Худо менга дард бергил — муҳаббатнинг дардини,*
*Юрагимга ато эт садоқатнинг дардини.*

*Дардсиз яшай олмасман йўқотгандай боримни,*
*Шууримга қуйиб тур маърифатнинг дардини.*

*Тасаввуфга талпиниб умрим бўйи ҳис этай*
*Тариқатнинг дардини, ҳақиқатнинг дардини.*

*Лойиқ фарзанд бўлмоғим фарздир она юрт учун,*
*Кўнглимга солиб тургин жамиятнинг дардини.*

*Маъни топсин ҳаётим кор-ҳолига ярайин,*
*Ҳаётимдан айирма раиятнинг дардини.*

*Мағрур юрарман шунда у дунё-ю бу дунё,*
*Елкамда озод тутиб охиратнинг дардини.*

*Ҳар не ёзсам-ёзмасам ҳаётда бор эканман,*
*Чоршамъ бўлиб туяйин шеъриятнинг дардини.*

* * *

*Жунун истаб, фунун истаб яшайман,*
*Тафаккурга якун истаб яшайман.*

*Топмагунча на тинчим бор, на ором,*
*Эрта эмас, бугун истаб яшайман.*

*Айланаман, ўргиламан дунёни,*
*Ўйин ичра ўйин истаб яшайман.*

*Шеър деган бир сеҳрларга чулғаниб,*
*Туйғулардан қуюн истаб яшайман.*

*Завқ оламан, ишонаман боримга,*
*Ҳилқатимга устун истаб яшайман.*

*Яшайман-да, яшолмаслик мумкинмас,*
*Аммо гоҳи мумкин истаб яшайман.*

*Чоршамъ, хок ҳам керакдур бу оламга,*
*Вужудимдан кукун истаб яшайман.*

* * *

*Ёрни соғинчи яна қилди хуруж,*
*Майи ноб қуйгил менга, эй майфуруш.*

*Нўш этиб сархуш бўлай деймаи яна,*
*Топмадим ёрни унут этмоққа куч.*

*Дардларимни ҳеч босолмай доғдаман,*
*Кўзларимга тор келур осмону бурж.*

*Не қилай ром этмаса ёрсиз ҳаёт,*
*Ишқи йўқ оламни минг даъвоси пуч.*

*Шул сабабдан ёнаман, овораман*
*Туну кун қалбим деяр: "ёр сори уч".*

*Қанчалар ахтармайин Шош ичра, оҳ,*
*Келмадим, ҳеч келмадим дилдорга дуч.*

*Ғамларим тарқалмаган ҳижрон туни,*
*Чоршамъ-эй, қилдим Бухорога юриш.*

* * *

*Севгини соғиндим, севгини,*
*Севгилим сев мени, сев мени.*

*Ғафлатда ётмасин бу юрак,*
*Қўзғагин энг ажиб туйғуни.*

*Вулқондай кўкларга отилгай,*
*Бўлганча Ҳақнинг бир учқуни.*

*Куяйин, ёнайин ўт бўлиб,*
*Ахир мен муҳаббат мафтуни.*

*Йўқса не керак бу умру жон,*
*Руҳимдан ҳайдагин уйқуни.*

*Севмасанг ҳам мени, эй гўзал,*
*Кўнгил дер: сев уни, сев уни.*

*Чоршамъни хароб этмасайди*
*Ишқ туни, ишқ туни, ишқ туни.*

Мақсуда ЭГАМБЕРДИЕВА

# БАҲОР, МЕНИ ҚЎЙМА УНУТИБ...



## БАҲОР

**Баҳор, мени қўйма унутиб,**
**Ёнингда лол, бахтиёр турсам.**
**Севинчимнинг қирғоғин тутиб,**
**Ўсиб ётган гулларинг терсам.**

**Нигоҳимда сузган ўрикзор —**
**Ўхшаб кетса оппоқ тушларга.**
**Қишдан зада қалбим интизор**
**Сен чорлаган сайроқ қушларга.**

**Бойчечакдан чироқлар ёқиб,**
**Бинафшалар ёзса менга хат,**
**Камалакдан гулкарам тақиб,**
**Кунлар келса шоиста, гулқат.**

**Оқ булутлар армондек жилган —**
**Чексизликлар қалбимга инса.**
**Дим шаҳар ҳам оппоқ очилган —**
**Елпиғичинг тутиб елпинса.**

**Қизғалдоқлар титроғи — дилим,**
**Қоқигуллар тўзғоғи — дилим,**
**Пушти кўйлак кийган боғларда**
**Сим-сим ёмғир тароғи — дилим.**

**Мен ўтганда лолазорингдан,**
**Лолазорга тўкилса қалбим.**
**Лолаларга тўкилиб, осмон —**
**Фалакларга тикилса қалбим.**

**Баҳор, мени қўйма унутиб...**

## ДЕРАЗАМНИ ЧЕРТГАНДА ЁМҒИР

**Деразамни чертганда ёмғир,**
**Тентиганда қирларда шамол,**
**Юрагимга нолакор танбур,**
**Оташларин қуяр бетимсол.**

**Шамол билан тўла ташқари,**
**Баланд парда жонни тиғлайди.**
**О, юпун сир илтижолари...**
**Ёмғир ёғар, ёмғир... йиғлайди.**

**Уйғотмасин, о, бу эски дард**
**Мен қўрқаман, акс-садони.**
**Тоғ йиқилса, юқтирмаган гард,**
**Лек ноладан поймол гадони.**

**Деразамни чертганда ёмғир...**

## ЎРИКНИНГ ГУЛИГА КЕЛГАН ШАМОЛИМ

**Жилғалар боладай чопиб келади,**
**Ялпиз қиш эшигин ёпиб келади,**
**Турналар қалбимни топиб келади,**
**Ўрикнинг гулига келган шамолим.**

**Зебо тебранишлар муяссар ҳилқат,**
**Базми висол аро севилган фурқат,**
**Аразлар этмоққа бермасми фурсат,**
**Ўрикнинг гулига келган шамолим.**

**Ўзингни таниб ол, шалола — лола,**
**Ҳаваскор юракли, минг торли нола,**
**Хандон сайёрада мажнунвор бола,**
**Ўрикнинг гулига келган шамолим.**

**Ўтга ҳам, сувга ҳам қоронғу ойдин,**
**Кўзи сурайёдин, киприги ёйдин,**
**Қўрғони шуъладин, кўзгуси сойдин,**
**Ўрикнинг гулига келган шамолим.**

**Бир томчи шудрингдай лолу саргардон,**
**Олам гулқатида озурда бу жон.**
**Нафосат юкидан новдалар ларзон,**
**Ўрикнинг гулига келган шамолим.**

Жўра ФОЗИЛ

# СОЙ БЎЙИДА

## қирқ йил кечиккан ҳикоя

У ҳарчанд уринмасин, бу ҳикояни ёза олмади. Ўнлаб китоблари нашр этилди, номи мухлисларига танилиб қолди, аммо бундан қирқ йил аввал, ёзнинг жазирама кунларидан бирида рўй берган, болалик шуурига муҳрланиб қолган бу воқеани ёза олмайди. Ёзгани ўзига ёқмайди, сўзлар қуруқ бўлиб қолади. Бошқа мавзуга ўтади, лекин ўша воқеа унга асло тинчлик бермайди. Ёши улғайгани сари саратон кунлари рўй берган воқеа бутун жозибаси билан хотирасида жонланади, кўнглида алланечук бокира туйғулар уйғонади. Ҳозир ёзмасам, бир умр шу хотира олдида қарздор бўлиб қоламан, дея ўксиниб кетади. Ниҳоят...

Саратон, чошгоҳ. "Ғир" этган шабада йўқ. Қишлоқнинг сертупроқ йўллари, боғ-роғлар ҳам олов пуркаётгандек.

Ўшанда Самад етти ё саккиз ёшларда эди. Маҳалла болалари ҳар куни қишлоқ этагидан оқиб ўтадиган сойга чўмилгани боришади, Самадни эса "Сен ҳали кичкинасан, оқиб кетма тағин", дея қўшишмайди. Мана, бугун ҳам улар шовқин-сурон билан олдидан ўтиб кетишди. Эҳ, тезроқ катта бўлсаю сузишни ўрганиб олса...

Иссиқдан беҳузур бўлган Самадга алам қилади, аммо иложи қанча. У болалар чўмилаётган томонга узоқ вақт тикилиб турди-да, пахтазор ёқалаб, сойнинг саёзроқ ерига бир ўзи чопқиллаб кетди.

Шовуллаб оқаётган сойнинг қирғоғига етганида сувнинг салқин эпкини юзига урилди. Соҳил қамиш, бута, толлар билан қопланган, жуда чиройли эди. У бир муддат тараддудланиб турди, ечингани қулай жой излади. Ечиниб, муздек сувга энди оёқларини теккизган ҳам эдики, бирдан қизларнинг шодон кулгиси эшитилди. Болакай сувга осилиб турган тол шохларини қайирганча жойида қотиб қолди. Қишлоқнинг гўзал, бўйга етган қизлари Зайнаб, Муқаддас, яна бир неча қизчалар, улар орасида ўзи тенгилари ҳам бор, сал нарироқда бир-бирларига сув сепиб, шўхлик қилиб чўмилишаётган эди. Самад ҳали ҳеч қачон ўзидан катта қизларни ечинган ҳолда кўрмаган эди. Ўшанда у чўмилаётган қизларга болалик кўзи билан қараган, нима бўлаётганини тушунмаган, кўнглига ёмон бир фикр келмаган. Аммо бугун, орадан қирқ йил ўтгач бу воқеани қоғозда тасвирлаяптики, ўшанда у бўйга етган қизларнинг оппоқ баданини, диркиллаб турган сийналарини кўрган. Қизлар эса тол шохлари орасидан ўзларига ҳайрат билан тикилиб турган Самадни пайқамай, қий-чув қилиб, чўмилишда давом этишган. Бир вақт Зайнаб Муқаддас билан қувламачоқ ўйнаб, унинг ёнгинасига келиб қолди. Самаднинг юраги дукиллаб ура бошлади. Бу ҳолат, ёзувчининг ҳозирги ибораси билан айтганда, бу роҳат анча вақт, то толнинг Самад ушлаб турган шохи қарсиллаб синиб, болакай шалоплаб сувга қуламагунича давом этган. Қизлар бирданига чинқириб юбориб, аввалига уёқдан буёққа пала-партиш чопиб, қий-чув қилиб, кейин эса эсларини йиғиб, қўллари билан сийналарини ёпишган. Бу хотиранинг яна бир ширин жойи шунда эдики, Самад йиқилаётиб Зайнабнинг қучоғига тушиб қолди. Қишлоқнинг шаддод, унча-мунча йигитларга йўл бермайдиган қизи уни ўз қучоғида кўриб, хандон отиб кулиб юборган.

— Оббо уятсиз-ей, сенмидинг, ўтакамни ёриб юборай дединг-ку. Ҳали сенми, қизларга қарайдиган. Мана сенга...

Зайнаб Самадни қучоғидан бўшатиб, сувга пиша бошлади. Боланинг оғзи-бурни сувга тўлди. Вой-войлаб, гуноҳкордай йиғлашга тушгунча пишди. Кейин, ўзи ҳам чарчади чоғи, қўйиб юборди. Самад бир амаллаб қирғоққа чиқиб олди. Қизлар энди ўзларининг расо қоматларини бекитмай, бу мишиқи бола нимани ҳам тушунар эди дегандай, яна бироз чўмилишди. Кейин кийингани улар ҳам қирғоққа чиқа бошладилар.

— Вой, писмиққина ўлгур-ей, бизни пойлаб келган экансан-да, — деди Муқаддас сочларини елкасидан ошириб ташлар экан.

— Пойлаганим йўқ, чўмилмоқчи эдим, катта болалар мени қўшишмади. Мен яхши сузаман, чўкиб кетмайман, — деди Самад чулдираб.

— Сузишни билар эмишлар... Иштонингни кўтар, яна тушиб кетиб, булбулчангни қарға чўқиб кетмасин тағин, — деди Зайнаб қийқириб кулар экан.

Қизлар майса устига ўтириб, сочларини қурита бошладилар.

— Самаджон, кел, ёнимга ўтир, — деди Зайнаб бир маҳал мулойимлик билан. Бу гап болакайга ёқиб кетди.

— Келақол, жоним, мана бу ерга ўтир, — Муқаддас унга ёнгинасидан жой кўрсатди. Самад бир Зайнабга, бир Муқаддасга тикилиб туриб қолди, кейин ёнларига келиб ўтирди. Қизлар сочларини ўриишарди.

— Самаджон, — деди Зайнаб қувлик билан, — қани айтчи, мен чиройлиманми ё Муқаддасми? Фақат тўғрисини айт, ёлғон гапирсанг, яна сувга пишаман...

Бола нима дейишини билмай туриб қолди. (Бундан қирқ йил аввал у қишлоқнинг икки гўзал қизига тикилишни жуда-жуда истаган бўлса-да, уялиб ерга қараган. Мана энди, шу ҳикояни ёзаётиб, нега ўшанда тўйиб-тўйиб тикилмаганидан афсусланиб ўтирибди).

— Икковингиз ҳам чиройлисиз...

— Э, йўқ, бунақаси кетмайди, фақат биттамизни танлайсан, танлаганингни оласан, йигитча, — деди Зайнаб Самадни маҳкам қучоқлар экан. (Ўшанда у қиз боланинг баданидан жуда ёқимли бўй таралишини сезган, ҳатто энтикиб кетган). Бола юлқиниб, қизлар исканжасидан қутилди, сал нарироққа боргач, ортига шартта бурилди-да:

— Сиз чиройлисиз, Зайнаб опа, сизни оламан, — дедию ура қочди.

— Ана холос, — деди Муқаддас қошларини чимириб, — бечора Муроджон хотинсиз қоладиган бўлди-ку...

Болакайнинг баҳоси Зайнабнинг кўнглини кўтариб юборди. Бўйи бир қарич бўлса ҳам, ақли бор экан. Эртаиндин у ҳам эр етиб, қизларга қарайдиган бўлади. Эҳ, Мурод, шу болачалик ҳам дидинг йўқми? Сен чиройлисан, ҳаммадан гўзалсан деб, ақалли бир марта айтсанг, бу гапингни бошқалар ҳам эшитса бўлмайдими?

* * *

Қизлар оғушидай иссиқ ёзнинг шу тунида болакай деярли ухламади. Кўзини юмди дегунча сойда чўмилаётган қизларни кўради, ана Зайнаб опа, бадани бунчалар оппоқ бўлмаса... Самад ўша куни Зайнабни танлаганини эслайди. Муқаддас ҳам чиройли эди, аммо Зайнаб уни эркалаб, бўйнидан қучиб, сийнасига маҳкам босганида алланечук бўлиб кетди. Бунақа ҳолатга тушмаганди. Бўйи етган қизнинг баданидан таралаётган ажиб бир ҳид (буни у энди тушуниб етди) болани маст қилиб қўйгандай эди.

Зайнабнинг ҳам уйқуси қочди. Самад ўзи билмаган ҳолда унинг кўнглидаги бокира туйғуларни алангалатиб юборди. У кўзларини юмиб, ўша кунги воқеани такроран ҳаёлига келтиради. Бир яхши чўмилишаётганди. Бир пайт бир нима "қарс" дедию бола унинг қучоғига йиқилди. Зайнаб уни илиб олгандай бўлди, вужуди худди ток ургандай жимирлаб кетди. Боланинг ё қўли, ё елкаси — бунисини аниқ билмайди, беихтиёр сийнасига тегиб кетгани учун ҳам шундай бўлди. Аввалига буни у қўрққанига йўйди, лекин, кейинчалик қўрқувдан эмаслигини тушуниб етди. Бир гал, болалар билан бекинмачоқ ўйнаётганида ҳам шундай бўлганини эслади. Ўзи тенги болалардан бири унга сал урилиб кетди. Ўшанда бадани қандай жимирлаган эди-я...

Орадан кўп йиллар ўтди. Самад улғайиб Зайнаб башорат қилганидек, сулув бир қизга кўнгил қўйди, унга уйланди ҳам. Турмушлари яхши кечди, бири-биридан чиройли фарзандларга ота бўлди. Аммо, қўлига қалам олиб, бир нима қораламоқчи бўлса, кўз ўнгида ўша, авжи саратонда, сой бўйида юз берган воқеа гавдаланади. Кўзларини чирт юмиб, Зайнабнинг ҳали қуримаган сочлари, баданидан анқиётган муаттар ҳидни ажиб бир соғинч билан қидиради. Гоҳ топади, гоҳ топа олмайди. Бу ҳолат уни ҳали-ҳануз тарк этмаслигини, яна ҳатто юз йил яшаса ҳам, шалоплаб сойга, Зайнабнинг қучоғига қайта йиқилмаслигини ҳис этадию чуқур хўрсинади...

Ёднома

# СОҒИНЧ

***Шоир Тилак Жўра менинг қадрдон дўстим эди.***

***Мен Тилак билан илк бор у Тошкент давлат университетига ўқишга кирган йили Бухоро вилоят газетаси муҳарририятида учрашганман. Тўғриси, газетанинг бўлим мудири шоир Мурод Халил бизни таништирган эди.***

— Ғулом, бу йигитни биласанми, бу — Тилак Жўра бўлади. Ўзи қоракўллик, Сайёд қишлоғидан. Шеърлари зўр. Насиб этса катта шоир бўлади, — деган эди раҳматлик Мурод ака ўшанда.

Тилак билан иккаламиз таҳририят биносидан чиқиб, қадимий шаҳарни бироз айландик... Илк учрашувдаёқ, Тилак менда яхши таассурот қолдирди. Унинг кўп китоб ўқигани, шеъриятга теран қараши, энг муҳими, содда ва оддийлиги ҳамда менга ўз акасидай самимий муносабатда бўлганлиги кўнглимга ёқди. Ўша учрашувдан кўп ўтмай, вилоят газетасида шеърларимиз босилиб чиқди. Шу-шу, Тилак билан Бухоро ё Тошкентда, Қоракўл ё Жондорда бир-биримизни йўқлайдиган бўлдик.



Мен ўша пайтларда Жондор туманидаги 6-мактаб-интернатида ўзбек тили ва адабиёт фанидан дарс берардим. Шеърларим "Ўқитувчилар газетаси"да чиқиб турарди. Мазкур газетада муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаётган шоир Султон Акбарий (Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин) биз — ижодкор ўқитувчиларни доимо қўллаб-қувватларди.

1969 йилда республика радиосининг Бухоро вилояти бўйича ўз мухбири бўлиб ишга тайинландим. Пойтахтимиз Тошкентга иш билан тез-тез келадиган бўлдим. Ҳар келганимда Тилакнинг Сағбон кўчасидаги ҳовлисида тонг отгунча суҳбат қурардик.

Бу пайтларда Тилак адабий муҳитда ўз ўрнини топган, ижодкор сифатида яхши танилган, шоир ва ёзувчилардан жуда кўп дўстлар орттирган эди. Тилак сабаб, ўша йилларда шоирлардан Муҳаммад Али, Омон Матжон, Миразиз Аъзам, Хуршид Даврон, Муҳаммад Раҳмон, Йўлдош Эшбек, Шукур Қурбонлар билан танишиб, дўстлашганман.

Тилак ҳақида ўйлар эканман, кўпдан-кўп воқеа ва ҳодисалар хотирамда жонланиб, кўз олдимдан кино тасмасидай ўтаверади. Шуни айтиш лозимки, муаллимликдан бирданига журналистикага ўтиб ишлаш мен учун осон кечмади. У пайтларда ҳозирги Навоий вилояти Бухоро таркибида бўлиб, ҳудуд жиҳатидан мазкур вилоят жуда катта майдонни эгаллар эди. Томди туманидаги баъзи хўжаликлар вилоят марказидан 450-500 километр узоқликда жойлашган бўлиб, у ерга бориб келиш учун 3-4 кун камлик қиларди. Хуллас, мухбирлик — чўлма-чўл, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб, чўпонлар, пахтакорлар, қурувчилар, ишчилар ҳақида ҳар кунги янгиликларни радиога етказиб туриш кўп вақтни оларди. Шу туфайли илк шеърий китобимни нашр этиш анча чўзилиб кетди.

Бир куни Тилак Жўра Бухорога қўнғироқ қилиб, 5-6 йил муқаддам тайёрланган қўлёзмам нашриёт режасига киритилгани ва зудлик билан Тошкентга келиб, китобни янги шеърлар билан тўлдиришим лозимлигини айтди. Шу тарзда илк китобим чоп этилди.

Тилак билан сўнгги бор Қоракўлда учрашдим. Уни юрак хасталиги шифохонасида даволанаётганини эшитиб, кўргани бордим. Мени кўриб, хурсанд бўлди. Ҳол-аҳвол сўрадим. У одатига кўра, нолишни билмай:

— Раҳмат, бу ерда ҳамма нарса етарли экан. Қоракўлда ётиб Тошкентдагидан ҳам яхшироқ даволандим. Анча тузалиб қолдим. Шифокорлардан хурсандман, — деди жилмайиб.

Тилак ўзини анча дадил тутишига қарамай, синиққан ранг-рўйи нафас олишдаги ҳансирашидан дарди енгил эмаслиги билиниб турар эди. Мен унинг руҳиятини янада кўтариш учун:

— Қоракўллик шифокорлар чиндан ҳам зўр. Ҳали бутунлай соғайиб, кўрмагандай бўлиб кетасиз, — дедим. Шунда Тилак кўзларимга узоқ термулиб қаради-да, мунгли бир оҳангда секин-секин сўзлай бошлади:

— Ғулом ака, биласиз, мен сизни Бухородаги энг яқин акам деганман. Яқинда телевидениедан келишиб мен ҳақимда кўрсатув тайёрлашмоқчи. Ўша куни, албатта, ёнимда бўлишингизни жуда-жуда истайман. Балки бу бир хотира бўлиб қолар...

У гапини тугатар-тугатмас кўзларида ёш ҳалқаланди. Сездимки, аҳволининг жиддийлиги ўзига ҳам аён экан. Шу боис ҳозиргина айтган гаплари менга сўнгги илтимос ёки васиятидай бўлиб туюлди. Менинг ҳам кўнглим тўлди... Шунга қарамай, унга яна таскин беришга ҳаракат қилдим.

— Йўқ, Тилакжон, ҳали кўп яшайсиз. Қалин-қалин китоблар чиқарасиз...

Шунда бирдан қизиқ ҳолат рўй берди. У қаддини ростлаб, худди аввалги соғлом ва хушчақчақ Тилакка айланиб, кўзида қуримаган ёши билан силкиниб-силкиниб кулди-да, дона-дона қилиб деди:

— Кўпгина ёру дўстлар Тилак ўлади, деб қайғурмоқда. Видеофилмни ҳам шу туфайли қилишмоқчи.

— Ҳали яхши бўлиб кетасиз, Тилак.

— Айтганингиз келсин, лекин барибир ўлимдан қўрқмайман, — деди табассум билан.

Ажабо, оғир хасталигини, ҳаётининг сўнгги кунларини кечаётганини яхши билган ҳолда ўз ўлими ҳақида мардона, кулиб гапираётган кишини умримда биринчи бор кўришим эди. Бу — шеърияти бетакрор, ҳассос ва хокисор шоир бир умр оғир ҳаёт кечирса ҳам ҳеч ким ва ҳеч нимадан нолимаган сабр-қаноатли инсон, каттага ҳам, кичикка ҳам бир хил ҳурмат ва мурувват кўрсатадиган камтарин киши, ҳаммамизни яхши биладиган ва яхши кўрадиган қадрдонимиз, менинг суюмли иним — Тилак Жўра эди. Унинг сўнгги шеърларидан бири ёдимга тушди:

**Оҳанглар оғушида**
**қолажак менинг умрим,**
**Гўзаллик товушида**
**қолажак менинг умрим.**
**Умримни куйга ўраб,**
**нурга ўраб яратдим,**
**Шу қуёш шуъласида**
**қолажак менинг умрим!**

Ҳа, ҳар гал Тилак Жўрани эсласам, кўпинча шу охирги учрашув хотирамда жонланади. Афсуски, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида телефилмни суратга олиш чоғида ёнида бўлолмадим. Ўша куни мен Тошкентда эдим. Бу ҳам қалбимда бир армон бўлиб қолди. Ана шу армон ва соғинч ҳисси кейинчалик қуйидаги мисраларга айланди:

**Соғиниб яшайман,**
**Соғиниб,**
**Кўришмоққа илож йўқ,**
**Лекин**
**Байтларингдан ҳисларга қониб,**
**Гаплашаман шивирлаб секин.**

**Эслатар**
**Шу заминда юрсам,**
**Ҳар бутаю, ҳар битта ниҳол.**
**Буғдойзорда юзингни кўрсам,**
**Олиб келар нафасинг шамол!**

**Эслатгайдир гулшандаги қуш,**
**Эркин-эркин этаркан парвоз.**
**Сайрар экан кетар ақлу хуш,**
**Ўзингдек сандувоч хушовоз.**

**Сайёт сойнинг суви оқаркан,**
**Мавжларида сатринг бор, Тилак!**
**Осмондан ой кулиб боқаркан,**
**Ой юзида аксинг бор, Тилак!**

**Ушбу шараф сен учун вожиб,**
**Самоларда шеърий садолар,**
**Кўп эди дўст, ошнаю ҳабиб,**
**Бугун ҳам кўп сенга шайдолар!**

**О, барибир дилдан ўкиниб,**
**Биз яшаймиз сени соғиниб...**

Ғулом ШОМУРОД

Маърифат ҚОСИМОВА



## ДУНЁ

**Тилсимларинг англайман деб**
**Сочимга оқ тушди, дунё.**
**Сочилганим териб-териб,**
**Ёшимга ёш қўшдинг, дунё.**

**Торлигингдан куйдим гоҳи —**
**Қатра ёшга жо бўлдинг сен.**
**Кенглигингни туйдим гоҳи —**
**Уммонларга тенг бўлдим мен.**

**Борлигингни билганимда**
**Бошим теккан тошлар бўлдинг.**
**Юрагимни тилганингда**
**Кўздан оққан ёшлар бўлдинг.**

**Бол қадаҳга оғу тутган**
**Синоатли дунёдирсан.**
**Аччиқ доднинг ичга ютган**
**Қаноатли дунёдирсан.**

**Тилсимларинг англайман деб**
**Сочимга оқ тушди, дунё.**
**Сочилганим териб-териб,**
**Ёшимга ёш қўшдинг, дунё.**

## ҲАВАС

**Парвонага келар ҳавасим,**
**Умри жони куйса ҳам бир зум,**
**Висол шавқи унга меҳмондир.**

**Капалакка қиламан ҳавас,**
**Бир кунгина олса-да нафас,**
**Гул фаслида умри шодондир.**

**Чўнг армоним — гули намозшом,**
**Очилади гул-гул ҳар оқшом —**
**Ой васлидан бағри осмондир.**

**Бўлолмадим шу бир гулчалик**
**Ва ё митти капалакчалик —**
**Сенинг васлинг мангу армондир.**

* * *

**Сенга борар йўлларим олис,**
**Ишқ дафтарин ўқиб бораман.**
**Айтилмаган афсоналарим**
**Ўз-ўзимга тўқиб бораман.**

**Юрагимнинг ҳар бир толаси**
**Шивирлайди сенинг исмингни,**
**Кечаларнинг унсиз ноласи**
**Аллалайди абгор жисмимни.**

**Сенинг билан кенгдир бу дунё —**
**Осмонингда учаман гоҳи.**
**Сенинг билан тордир бу дунё —**
**Ҳасратларим қучаман гоҳи.**

**Аросатда адо бу юрак,**
**Қаҳратондан бир таскин излар.**
**Қор остида маъсум бойчечак —**
**Нигоҳингдан тўкилган ҳислар.**

# АДИБНИНГ ЖАСОРАТЛИ БИР СЎЗИ

Боши биринчи бетда.

Ўша вақтлари республика марказқўмининг маъмурий органлар бўлими мудири бўлиб ишлаган Босит Алиевич Охунжонов деган қайноғам бўларди. У киши ўз лавозими тақозосига кўра оғзига жуда мустаҳкам бўлиб, расмий гап ёки маълумотларни ҳеч қачон ташқарига чиқармасди. Абдулла аканинг бу нутқи билан боғлиқ масала марказқўм бюросида кўрилган пайтда у киши ҳам бюро мажлисида қатнашувига тўғри келибди. Бюро мажлисида Абдулла аканинг ўзини тутишидан Босит ака шундай ҳаяжонга тушибдики, ўша бюронинг эртаси куни бўлган учрашувимизда: "Шарифжон, Абдулла Қаҳҳорингиз бу дунёнинг одами эмас-ку! Наҳотки, қайси замонда яшаётганини, эртага нималар бўлишини ўйлаб кўрмаса!" дегач, бюро мажлиси ҳақида ташвиш билан сўзлаб берди.

У кишининг айтишича, бюро мажлиси вақтида марказқўмнинг биринчи котиби узун столнинг бош томонида, бюро аъзолари иккала томонда, Абдулла ака столнинг охирида, унинг ўнг тарафида ўша вақтдаги Давлат хавфсизлик қўмитаси раиси Бизов ўтирар экан. Ёзувчилар уюшмасининг раҳбарлари ҳам таклиф этилган экан.

А.Қаҳҳор Ёзувчилар уюшмаси пленумидаги нутқида В.Милчаковни адабиётимиз жаллоди деб ҳақорат қилгани айтилиб, "Шўро даврида жаллод қаёқда бўлади? Шу нолойиқ иборани ишлатганингиз учун бюро аъзолари ва Ёзувчилар уюшмаси раҳбарлари олдида Владимир Андреевичдан узр сўранг", деб-ди биринчи котиб.

Абдулла ака ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйиб: "Владимир Андреевич! Мени кечир. Рус тилини яхши билмаганим учун баъзан керакли иборани тополмай, фикримга мос келмайдиган бошқасини ишлатиб юбораман", деган экан. Милчаков: "Бу бошқа гап", дебди ғолибона бир тиржайиш билан. Абдулла ака эса: "Ҳали гапимни тугатганим йўқ. Мен сени жаллод демоқчимасдим, одамхўр демоқчийдим, холос!" деб жойига ўтириши биланоқ унинг ён томонидаги бюро аъзоси Бизов бошқалардан оғзини қўли билан пана қилиб: "Нималар деяпсан, ҳу, онангни..." деб ҳаёсизларча ҳақорат қилибди.

Кейинчалик маълум бўлдики, В. Милчаков бюро мажлисидан чиқибоқ, уйига келиб, кечаси билан кўч-кўлонини йиғиштириб, эртасига эрталаб ўз ҳамтовоқлари билан хайр-манзурни ҳам насия қилиб, юртига жуфтакни ростлабди. Шу кетганича қайтиб Ўзбекистон юзини кўрмади. Абдулла аканинг ўша жасорати билан ўзбек адабиёти одамхўр душманидан абадул абад қутулди.

Бу гапдан анча кейин таҳририят топшириғи билан Абдулла аканинг Дўрмондаги боғига боргандим. У ёқдан-бу ёқдан анча гаплашиб ўтирдик. Гап асносида мен кимдан эшитганимни айтмай, ўша бюро мажлиси воқеасини айтиб берувдим, у киши: "Бюро аъзоларининг ҳам хотини бор-да. Лекин мени қаттиқ сўкди, занғар...", дея бу воқеа ҳақиқатан ҳам бўлиб ўтганини эътироф этди.

Абдулла Қаҳҳор билан ўртамизда бўлиб ўтган воқеалардан яна бири унинг "Соринка в глаз" сарлавҳали мақоласи "Литературная газета"да, сўнгра "Ҳуснбузар" номи билан "Ўзбекистон маданияти"да чоп этилишига алоқадор.

Шўролар даврида иттифоқнинг барча республикалари, беистисно, ҳамма масалаларда Москвага қарам эди. Ўзбекистон борасида марказий матбуотда нимаики чоп этилса, республиканинг ўша масалалар билан шуғулланувчи матбуот органлари уни таржима қилиб, ўз саҳифаларида босиб чиқаришлари бузиб бўлмас бир қоидага айланган эди. Бироқ Абдулла аканинг мақоласида Ўзбекистоннинг ўша вақтлардаги раҳбарларига тегиб кетадиган тагдор гаплар борлиги сабабли бу қоида бузилиши турган гап эди. Вазият шундайлигини била туриб, мен газета бош муҳаррири ўринбосари Санжар Тиллага "Литературная газета"даги мақолани кўрсатиб, зудлик билан Абдулла Қаҳҳордан материалнинг ўзбекча асл нусхасини олиш ва уни босмага тайёрлаб, газетанинг кейинги сонида эълон қилиш зарурлигини уқтирдим. Ўша вақтдаги бош муҳаррир Воҳид Зоҳидов асосан бошқа идорада ишлар, бизда ўриндош бўлгани учун таҳририятда кўп вақт бўлмасди. Шу сабабли Санжар ака ҳеч ким билан маслаҳатлашиб ўтирмай, шошилинч равишда машина чақириб, мени Абдулла аканинг Дўрмондаги дала ҳовлисига жўнатди. Абдулла ака уйда экан, ниятимизни билиб, хурсандлик билан мақоланинг ўзбекча қўлёзма нусхасини берди. Қўлёзмани "Литературная газета"да чоп этилган нусха билан солиштирганимизда баъзи тафовутлар ҳам борлиги аниқланди. Бироқ биз асл нусхани чоп этилган нусхага мослайдиган бўлсак, ишни бузиб қўйишимиз маълум бўлди. Шундай қилиб, асл нусхага ҳеч иложи бўлмаган ҳоллардагина енгил таҳрир киритиб, газетанинг кейинги сонига тайёрлаб қўйдик. Ўз ўринбосари томонидан масаладан воқиф этилган бош муҳаррир, таҳририят амалга ошираётган бу иш гўё ўзига алоқаси йўқдек, мақола асл нусхаси билан ҳам, у ҳақда теварак-атрофда пайдо бўлган кўпдан-кўп фикрлар билан ҳам қизиқмади, "Ўзбекистон маданияти"да чоп этишга мўлжалланган бу материалга ақалли бир кўз югуртириб ҳам чиқмади. Газетанинг ўша сони корректураси ўқиладиган куни таҳририятга умуман келмай, барча ишлар ниҳоясига етганида аллақаёқдан қўнғироқ қилиб, ўзи "юқори"нинг муҳим топшириғи билан шаҳардан ташқарида эканини айтди ва навбатдаги сонга бош муҳаррир сифатида Санжар Тилла имзо чекиб юбораверишини лозимлигини тушунтирди. Шу тарзда, "Ўзбекистон маданияти"нинг "Ҳуснбузар" эълон қилинган сони бош муҳаррирнинг бутунлай иштирокисиз ўқувчилар қўлига бориб етди. Орадан икки-уч кун вақт ўтгач, Маданият вазирлиги коллегияси йиғилишига Санжар Тилла ва мени шошилинч равишда чақиришди. Коллегия йиғилиши "Ҳуснбузар" газета саҳифаларида чоп этилганини катта хато деб ҳисоблади ва биз берган изоҳлар умуман инобатга олинмай, Санжар Тиллага маъмурий "ҳайфсан" эълон қилинди, мен огоҳлантириш билан қутулиб қолдим. Бу ишдан ўзини олиб қочган бош муҳаррирга: "Сиз қаерда эдингиз? Нега бу ишларга аралашмадингиз?" дейдиган одам топилмади.

Тез вақт ичида Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театри биносида республика ижодкор ходимларининг катта йиғилиши бўлиб, унда ҳам махсус тайёрлаб қўйилган бошқа касб эгалари қўлларида қанча тош бўлса ҳаммасини Абдулла Қаҳҳорга отиб, тинчидилар. Абдулла акани ҳимоя қиладиган бирор азамат ёзувчи топилмади...

Абдулла Қаҳҳор ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ниҳоятда талабчан эди, бирор асар ёзадими, бошқа бировнинг ишини таҳрир қиладими, бир меҳнат ўрнига ўн меҳнат қиларди. Ўша даврнинг таниқли адабиётшуноси Матёқуб Қўшжонов таҳририятга 16 саҳифадан иборат машинка ёзувида материал олиб келгани ёдимда. Мақола долзарб мавзуга бағишланган бўлиб, пухта ёзилган, аммо унда баъзи мунозарали ўринлар ҳам бор эди. Таҳририят раҳбарлари билан маслаҳатлашдик, мақола насрий асар хусусида бўлгани учун уни Абдулла акага ўқитиб олишни лозим кўрдик. Мен одатдагидек, Дўрмон дала ҳовлисига бориб, уни кўриб беришни устоздан илтимос қилдим. У киши уч кундан сўнг хабар олишим кераклигини айтдилар. Уч кундан сўнг дала ҳовлига бориб, не кўз билан кўрайки, мақолани ўқиб чиқиш етмаганидек, уни ўз қаламлари билан янгидан ёзиб, 16 саҳифадан уч ярим саҳифа материал ясаб, мақоладаги барча асосий фикрларни тўлалигича сақлаган эдилар. "Аттанг!" деган янги сарлавҳа остида эълон қилинган бу мақола йиллар давомида тилдан-тилга ўтиб юрди.

Абдулла Қаҳҳор атрофидаги ёзувчи, шоир, журналист, олимларнинг барчаси халқ эъзозига сазовор бўлган, ҳар қандай шароитда ҳам эътиқодига хиёнат қилмайдиган кишилар эди. Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шуҳрат, Саид Аҳмад, Ҳибзиддин Муҳаммадхонов, Яҳё Ғуломов, Муҳаммаджон Ўрозбоев.., эҳ-ҳе бу рўйхатни яна давом эттираверишим мумкин. Шуниси ҳам борки, уларнинг аксар қисми худди Абдулла ака билан дўст-қадрдон бўлганликлари учун не-не таъқиб ва тазйиқларга дучор этилмаганди.

Абдулла аканинг расмий йиғинлардаги чиқишларини ҳам, ўз ҳамкасб дўстлари даврасида айтган гапларини ҳам кўп бора эшитишимга тўғри келган. Бу чиқишларида устоз адиб ҳамиша ўзини ўзбек адабиётидаги умумий аҳвол учун жавобгар ҳис қилиб, куйиб-ёниб, қаттиқ тегадиган қилиб гапирар, ҳамиша мустаҳкам мантиққа асосланарди. 1952 йили Тошкентда Ёзувчилар уюшмаси мажлислар залида, республика ёш ижодкорлари семинар-кенгашида сўзлаган ажойиб нутқи хотирамда михланиб қолган. Ўшанда Абдулла ака ўз нутқини: "Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади, улар бизнинг авлод ёшлик чоғида қилолмаган катта ишларни қилмоқдалар" деб бошлаган ва ўша кунлари шеърият майдонига эндигина кириб келаётган Ҳусниддин Шариповнинг "Саҳрога ҳужум" номли шеърини ибрат намунаси сифатида келтириб, атрофлича таҳлил этганидан сўнг, "Ҳозирда Ҳусниддиндан кўра беш-ўнта кўйлакни кўпроқ йиртган қаламкашлар ундан дарс олишларини истардим", деганди. Сўнгра ўзбек насри ва шеъриятидаги умумий аҳволга тўхтаб, баъзи адиб ва шоирларнинг ижод соҳасидаги, шахсий ҳаётидаги нуқсонларини ўйиб-ўйиб оладиган, кесатиқ сўзлар билан бутун зал тасаввурида яққол гавдалантириб берганди. Ўшанда Абдулла ака суюққина ҳикоя ва очерклардан иборат кичкина бир китоби нашр этилиши биланоқ кенг кўламли повестга қўл уриб шарманда бўлган бир ёзувчи ҳақида: "Повест ёзсам, ёзиб ташлай қолай, дебди-да бола фақир" тарзида кесатган, Абдулла Набиев ҳақида катта достон эълон қилдирган анча таниқли шоир ҳақида тўхталиб: "Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, достонни ўқиб қусгим келди. Шундай достондан яна икки-учта яратилиб, чоп этилса, ўзбек шеърияти адойи тамом бўлади", дегани шундайгина қулоғимда жаранглаб турибди.

Абдулла ака ижодкорни фақат у яратган асарининг салмоғига қараб баҳолар, ҳар қандай катта лавозим эгаси бўлса ҳам ёзганлари умумий савиядан



пастроқ бўлса, уни ҳеч қачон аяб ўтирмасди. Бир куни Абдулла ака савияси пастроқ деб ҳисоблаган йирик амалдор ёзувчи билан катта бир йиғин раёсатида ёнма-ён ўтиришига тўғри келиб қолибди. Йиғин тугагач, Абдулла ака ташқари томон йўл оларкан, боягги амалдор ёзувчи орқадан келиб, устозни қўлтиқлаб, ўзининг деярли оқариб бўлган сочларини силаганча: "Мана, Абдулла ака, биз ҳам Сизга етиб қолдик", дебди. Абдулла ака эса, оппоқ қордек сочларини силаганча унга: "Сочингиз оқаравердию, аммо менга етишингизга анча қовун пишиғи бор", дебди.

Бир куни ҳозирги Ўзбекистон Миллий театрида драматурглар билан ижодий ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган катта йиғин бўлди. Йиғинда истеъдоди кам драматурглардан бири ўз асарини театр бадиий кенгаши қабул қилмаганини айтиб, репертуар йўқлигига гўё театр жамоаси айбдор деб даъво қилганида, Абдулла ака: "Ҳой, барака топгур, театр — санъат эҳроми. У асло ахлат ташлайдиган жой эмас", дея оғзига урган эди.

Абдулла Қаҳҳор адабиётда на уёқлик, на буёқлик бўлмаган, ўз ёзганлари билан ўқувчилар вақтини бекорга оладиган қаламкашларни қанчалик сиҳга тортса ҳақиқий истеъдод эгаларига, "адабиёт эшигини пойафзали пошнаси билан эмас, балки қалам учи билан очиб кирган" ижод соҳибларига ҳамиша ва ҳамма ерда эҳтиром кўрсатар, уларни ҳар жиҳатдан руҳлантирарди. Чунончи, уюшмадаги катта йиғинлардан бирида заҳматкаш ва истеъдодли, феъл-атвори ўта ёқимли адиб Ҳаким Назир хусусида: "У Ёзувчилар уюшмаси ҳавосини тозалаб турувчи туйнукнинг ўзи" деганди.

Ҳақиқий шоир Мамарасул Бобоевнинг 50 йиллик юбилейида: "Мамарасул жуссаси кичик, унча кўримли бўлмаса ҳам, унинг ижоди аллақанча узоқ-узоқлардан ҳам манаман, деб кўриниб туради. Афсуски, уюшмамизда ҳар елкасига биттадан паҳлавон йигит ўтирса бўладиган алпсиёқли шоирларнинг ижоди уюшманинг ўзидан қарасанг ҳам кўринмайди", деган сўзларини айтиб, не-не шоирларни зил-замбил қилгани ҳам ёдимда.

Абдулла акада юмор ҳам ниҳоятда ривожланган бўлиб, тўсатдан вужудга келадиган, кутилмаган ҳар қандай ҳолатга қуйиб қўйгандек мос келадиган бир гап айтар эди. Абдулла аканинг сочларида битта ҳам қора, ёзувчи Йўлдош Шамшаровнинг бошида эса битта ҳам тук қолмаган эди. Бир куни Навоий номидаги театр ёнбошидаги газеталар комплекси биноси коридорида Абдулла ака қандайдир таҳририятни излаб бораётганди. У кишининг рўбарўсидан Йўлдош Шамшаров чиқиб қолди: "Ия, Абдулла ака сочни жуда оқартириб юборибсиз-ку" — деди. Абдулла ака эса, қордай оппоқ сочларини силаб: "Оқ бўлса ҳам бори яхши", дея Йўлдош акани лол қолдирди.

Абдулла аканинг Дўрмондаги дала ҳовлисига бир сафар иш юзасидан борганимда, у киши билан ҳовлидаги сўрида узоқ суҳбатлашиб қолдик. Шу аснода тушлик вақти бўлиб, Кибриё опа мошхўрда қилган экан, косаларда олиб келиб, бир кичик косада қатиқ ҳам келтирди, мошхўрданинг пиёзи куйиб кетган экан, шекилли, Абдулла ака ўз косасига икки-уч, ҳатто тўртинчи қошиқ қатиқ аралаштирса ҳам мошхўрда унчалик оқармади. Шунда Абдулла ака хотинига: "Ия, Кибриё бугун қора қатиқ олганмидингиз, мошхўрда қурғур ҳеч оқармаяпти", дея лутф қилган эди. Кибриё опа ҳам: "Уйимизда нима кўп, оқ нарса кўп. Битта қатиқ қора бўлса, нима ташвиш", — дея лутф билан жавоб берди.

Камина Абдулла ака билан кўп йиллар яқин муносабатда бўлсам ҳам у кишининг ижод маҳсулимга катта йиғинда бир мартагина баҳо берганидан ниҳоят теримга сиғмай кетганман.

Бу воқеа ёзувчи Шуҳратнинг "Олтин зангламас" романи билан боғлиқ эди. Бу романни чоп эттириш йўлида кўпдан-кўп қаршиликлар бўлиб, давлат матбуот қўмитасининг бош муҳаррири Исоқжон Муллажонов ҳамда китобни таҳрир этган Ҳибзиддин Муҳаммадхоновнинг катта жасорати туфайлигина у дунё юзини кўрганди. Юқорида зикр этилган икки дўстимнинг тавсияси билан камина романга тақриз ёзишга киришдим ва ҳали китобнинг сигнал нусхаси чиқиб улгурмасданоқ назорат табақлари бўйича тақризни тайёрлаб қўйдим. Китобнинг сиёҳи қуримасданоқ, 1966 йилнинг 6 февралида "Ўзбекистон маданияти"да "Ўтда тобланганлар қиссаси" сарлавҳали катта тақризим эълон қилинди. Худди ўша кунга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида 1965 йил насри муҳокамасини ўтказиш режалаштирилганди. Муҳокама, адашмасам, эрталаб соат 11да бошланди. Буни қарангки, Абдулла ака ўша куни тонгдаёқ, газетадаги тақризни ўқиб чиқиб, у ҳақда тайёр фикр билан муҳокамага келибдилар. Абдулла ака ўз нутқида тақризга анча кенг тўхталиб, жумладан: "Мен танқидчи ёзувчининг дўсти" деган гапга жилла ҳам ишонмасдим. Лекин газетанинг бугунги сонида "Олтин зангламас" ҳақидаги тақризни ўқигач, аввалги фикримдан қайтдим. Негаки, романнинг қўлёзмасини мен ҳам ўқигандим. Лекин унда шунча гап борлигини тўла тасаввур қилмаган эканман. Тақризчи менинг ҳам, китобхонларнинг ҳам бу соҳадаги тасаввурларини бойитишга кўмаклашди", дедилар.

Турган гапки, ҳамиша, ҳамма масалада талабчан бўлган Абдулла Қаҳҳорнинг бундай илтифоти мен учун бир умр ёдда қоладиган мукофот эди. Орадан 40 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам ҳануз шу илтифот завқи билан яшайман.

**Шариф ЮСУПОВ**

## Доимий ҳамроҳ




Бадиий сўз санъатида қисса жанри алоҳида ўрин тутади. Воқеликнинг бадиий манзарасини яратиш Истиқлол даври қиссачилигининг асосий муаммоларидан саналади. Дарҳақиқат, миллий истиқлол ғояларини оммага етказишда бадиий адабиётнинг имкониятлари бисёр. Айни пайтда, ўзбек қиссачилиги янги номлар билан бойиб бормоқда.

Бугунги кунда замонавий ўзбек қиссалари, уларда ғоя ва образ яратиш муаммоларини ёритиш, янги бадиий тафаккурнинг ривожланиш омилларини таҳлил этиш адабиётшунослар олдида турган муҳим вазифалардан саналади. Шу нуқтаи назардан, яқинда "Фан" нашриётида чоп этилган филология фанлари номзоди Абдуҳамид Холмуродовнинг "Қиссада бадиий образ яратиш маҳорати" ва "Қисса поэтикаси" номли рисолалари эътиборга молик.

Миллий маънавиятга, азалий қадриятларга даъват ўтган асрнинг сўнгги чорагида яратилган қиссаларнинг етакчи мотивини ташкил этади. "Қиссада бадиий образ яратиш маҳорати" рисоласида муаллиф ҳам тарихий, ҳам замонавий мавзудаги асарлар таҳлили орқали давр ва унинг бадиий инъикоси қай тарзда акс эттирилганини далиллашга ҳаракат қилган. Қаҳрамон образи ва руҳий далиллаш санъати ҳақида мулоҳаза юритаркан, муаллиф илмий хулосаларини Тоғай Муроднинг "От кишнаган оқшом", "Қўшиқ", "Давра" сингари қиссалар таҳлили орқали асослашга уринган. А.Холмуродов тарихий шахс ҳақиқати, тарихий қиссада образ яратиш муаммосига доир кузатишларида асосий эътиборини Хайриддин Султоновнинг "Ёзнинг ёлғиз ёдгори" ва Баҳодир Мурод Алининг "Кўктўнликлар" қиссалари таҳлилига қаратган.

"Қисса поэтикаси" рисоласида мазкур жанрнинг ўзбек адабиётидаги тараққиёт босқичлари, тарихий илдизлари ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр юритилади. Таниқли адиблар қиссалари таҳлил этилиб, асарлар қаҳрамонлари, психологик ҳолатлар тасвири бугунги кун нуқтаи назаридан баҳоланади. Шу аснода муаллиф адабиётимизда кечаётган жараёнларни ёритишга ҳаракат қилган.

Ҳар иккала рисоланинг масъул муҳаррири ЎзФА академиги Б.Назаров. Тақризчилар: филология фанлари докторлари Н.Каримов, Б.Саримсоқов, Р.Иброҳимова ва филология фанлари номзоди С.Мелиев.

## Наврўз қувончи



Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

Илм — ўзин билмакдир

# ТИЛШУНОСЛИКДА ЯНГИ ҚАДАМ

Қадимий ёзма манбаларни ўрганиш янги босқичга қадам қўймоқда. Фанда янгича қарашлар, янги фикрлар юзага кела бошлади. Яратилаётган ишлардан олимларимизнинг ёзма манбаларни янгича нуқтаи назардан таҳлил этаётганлари кўриниб қолди. Бу борада астойдил ишлаётган олимлардан бири филология фанлари доктори, профессор Қосимжон Содиқовдир.

Охирги йиллари Қ.Содиқовнинг туркий ёзма ёдгорликлар тадқиқига бағишланган бир неча китоби чоп этилди. Ушбу мақоламизда уларнинг иккиси хусусида сўз юритмоқчимиз. Бири "Қадимги туркий халқларнинг диний-фалсафий қарашлари", иккинчиси ўзбек адабий тилининг юзага келиши ва тарихий такомилига бағишланган "Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши" асаридир.

"Қадимги туркий халқларнинг диний-фалсафий қарашлари" китобида аждодларимизнинг маънавий олами, фалсафий қарашлари ва маънавиятининг Шарқ цивилизацияси, қолаверса, инсоният фалсафий тафаккури такомилидаги ўрни ёзма манбалар, археологик топилмалар асосида очиб берилган. Китобда қадимги туркий халқларнинг диний эътиқоди, кейинчалик, Ўрта ва Марказий Осиёда кечган маданий-сиёсий жараёнлар, савдо муносабатлари, хусусан, Буюк ипак йўли таъсирида кириб ўрнашган буддизм, монийлик, насронийлик динлари, буларнинг таъсирида шаклланган фалсафий қарашлар баён этилади.

Маълумки, илк ўрта ва ўрта асрлар хитой фалсафасида Конфуций таълимоти кенг ёйилган. Унга биноан, хитойлар осмонни муқаддас санаган, барча воқеа-ҳодисалар осмоннинг ҳукмига бўйсунган ҳолда юз беради, деб билганлар. Ҳатто ўз императорларини "Осмон ўғли"(тиен-си), улар осмон билан ер ўртасида яралган илоҳий зотлар, ҳукмдорлар осмоннинг иродаси билан тахтга чиққан, шунинг учун уларга итоат этиш керак, деб билганлар.

Туркшунослар, айниқса, Ғарб олимлари ўртасида қадимги турклар айрим фалсафий масалаларда хитойларга эргашади, деган фикр ўрнашиб қолган. Уларнинг таъкидлашича, қадимги турклар, ўз хоқонларини хитой фалсафасидаги сингари "тангридан бўлган" (яъни "осмондан яралган, осмоннинг ўғли") деб билган. Ўша олимлар туркий битигларда учрайдиган "тенси" сўзини ҳам бунга мисол қилиб келтирадилар. Қ.Содиқов битиглар маъносини янгича таҳлил қилиш орқали ушбу қарашларни рад этади. Унинг таъкидлашича, турклар бу унвон билан ўз ҳукмдорларини эмас, хитой императорларини атаганлар.

Китобда ёзилишича, кўк турк хоқонликлари даврида яратилган Урхун мозортошларининг кўпи тошбақа устига тикланган битигтош кўринишида. Масалан, Биринчи кўк турк хоқонлиги даврида Махан тигинга тахминан 581 йили ўрнатилган Буғут ёдгорлиги, Иккинчи кўк турк хоқонлиги замонида яратилган Билга хоқон битигтошлари тошбақа устига тикланган лавҳадан иборат. Ёки Кул тигин ёдгорлик мажмуасидан қолган ҳозирги харобалар ичида ҳам парчаланган тошбақа бўлаклари ётибди.

Олимнинг фикрича, эски турк мозортошларининг тагидаги тошбақа — Ернинг рамзи. Қадимги турклар Ерни тошбақага ўхшаш думалоқ шаклда тасаввур этган. Ернинг рамзи учун айнан тошбақанинг танлангани бежиз эмас, чунки тошбақа думалоқ бўлиши билан баробар бир текис, тартибли ҳаракатланувчи жонивор. Бунинг тубида Ернинг тартибли ҳаракатига ишора ҳам бор. Қабртошларнинг бундай кўринишда ишланганлиги ўликнинг хотираси учун Ер юзида мангу ёдгорлик ўрнатилди, деган маънони беради.

Қадимги туркларда буддизм кенг ёйилган динлардан эди. Унинг бу ўлкаларга кириб келиши билан қадимги турк адабиётида янги-янги жанрлар, йирик асарлар яратилди. Фалсафа тарихида янги бир босқич бошланди. Марказий Осиё халқлари билан Жанубий, Жануби Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида маданий, савдо муносабатлари кучайиб кетди. Турклар орасидан улуғ буддашунослар, Шарқ тилларининг билимдонлари етишиб чиқди. Санскритшунослик, хитойшунослик, тоҳаршунослик, суғдшунослик сингари фанлар шаклланди. Буларнинг бари аждодларимиз яратган ёзма обидаларда, санъат ва маданият, архитектура ёдгорликларида ўз изини қолдирди. Китобда қадим туркларнинг ана шу мероси яхши ёритилган.

Қ.Содиқовнинг салмоқли илмий ишларидан яна бири — ёзма адабий тилнинг шаклланиши ва тарихий такомилига бағишланган асаридир. Китобнинг кириш қисмида берилган адабий тилнинг юзага келиши ва такомил босқичларини акс эттирувчи тасниф туркшуносликда шу чоққача келтирилган таснифлардан фарқ қилади. Асарнинг энг катта ютуғи, унда ўзбек адабий тилининг юзага келиши ва илк юксалиш босқичлари яхлит бир системага туширилган. Энг эски чоғлардан бошлаб туркий матн тузиш анъанасининг шаклланиши ва тарихий такомили, шу билан боғлиқ ёзма тил услубларининг юзага келиши, унинг юксалиши ёритиб берилган.

Шарқшуносликда шу чоққача Ўрта ва Марказий Осиёда, бутун туркий ўлкаларда кечган тил вазияти хусусида сўз борар экан, Олтин Ўрда давлатида мўғул тили, темурийлар давлатида, асосан, форс тили давлат мақомида эди, деган фикр айтиб келинарди. Қ.Содиқов Олтин Ўрда хонлари, темурий ҳукмдорлар томонидан ёзиб қолдирилган кўп сонли битиглар, ҳужжатлар ва халқаро дипломатик ёзишмалар, эпиграфик матнларга таянган ҳолда туркий давлатларда она тили ("туркий" ёки "эски ўзбек тили") доимо расмий тил сифатида амал қилгани, ҳатто, қўшни ўлкаларда ҳам унга катта эътибор қаратилганлигини очиб беради. Олтин Ўрда хонларидан Тўхтамишнинг поляк қироли Яғайлога йўллаган ёрлиғи, Темур Қутлуғнинг ёрлиғи, Амир Темурнинг 1391 йили Тўхтамишхонга қарши бошланажак юриш олдидан уйғур ёзувида ёздирган битиги, Шоҳрухнинг суюрғал битиги, Султон Абу Саид битиги, Умаршайх ёрлиғи ва бошқа кўплаб ёзма обидалар Олтин Ўрда даврида ҳам, темурийлар даврида ҳам туркий тил асосий расмий тил бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Китобнинг сўз ясалиши баҳсидаги тарихий морфема ва унинг табиати ҳақидаги мулоҳазалари ҳам эътиборга лойиқ. Маълумки, тилда меъёрий ҳолатлар билан бир қаторда, тарихий ҳолатни кўрсатувчи, лекин ҳозир амал қилмайдиган қолдиқ ҳодисалар учраб туради. Муаллифнинг таъкидлашича, шундай қолдиқ ҳолатлар ҳозирда "кристалл" ҳолига келиб қолган сўзларнинг ўзагида, қўшимчаларида ёки ҳар икки қисмида сақланиб қолган бўлиши мумкин. Муаллиф туркий ўзаклар маъносини таҳлил этиш асносида бир қанча сўзларнинг келиб чиқиши хусусида фикр юритган. Масалан, "утук" (дазмол) сўзининг келиб чиқишини шу чоққача "ўт"(олов) сўзига боғлашар эди. Олимнинг исботлашича, бундай эмас. Маҳмуд Кошғарий луғатида "утиди"(дазмоллади) деган феъл қўлланилган. "Утук" эса ана ўшандан ясалган. Ҳозирги ўзбек тилидаги "алда" деган сўзимизнинг ўзаги қадимги "ал"(ҳийла) сўзидан, *-да* — феъл ясовчи, "алда" сўзи эса "ҳийла қил" деган маънони беради. Ёки "ула" феъли тарихан "ул" (асос) сўзидан ясалган. Шунингдек, "куйла" феълининг асоси "куй"(мелодия)-дан эмас. У қадимги турк адабиётидаги "куг"(шеър, қўшиқ) сўзидан ясалган. Масалан, "Ҳофиз куйлади" деганда, унинг куй чалганини эмас, қўшиқ айтишини тушунамиз. Ёки ҳозирги "қўшиқ" сўзи, олимнинг исботлашига қараганда, "қўш"(соединить — қўшмоқ) феълидан эмас, балки "қўш"(сочинить — тўқимоқ) феълидан. Масалан, Маҳмуд Кошғарий "Девон"ида "Эр йир қўшди" дейди, бу "Эр киши шеър тўқиди" деганидир. Бундай этимологик талқинлар асарда оз эмас.

Яна бир мисол. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг улуғ мутафаккир Алишер Навоий асарларининг тили ҳақида ёзган маълумотлари тилшуносларимиз орасида кўп баҳс туғдирмоқда. Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида Фарғона вилоятининг пойтахти Андижонни, унинг улуси, улуснинг тилини таърифлар экан, Низомуддин Мир Алишер Навоийни эслайди. Шу ўринда Навоий асарларининг тили тўғрисида адабиётшунослигимиз учун ўта керакли бир маълумотни келтиради. У ёзади: "Эли туркдур. Шаҳри-ву бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Не учункким, Мир Алишер Навойининг мусаннафоти, бовужудким, Ҳирида нашъу намо тапуптур, бу тил биладур". Бобурнинг ушбу маълумотларини олимларимиз турлича талқин этиб келмоқда. Айримлар Заҳириддин Бобурнинг ушбу сўзларини рўкач қилиб, Навоий асарлари тилининг асосларини Андижон шеваси ташкил этади, дея қарайдилар. Бошқа бирлари Навоийнинг Андижонда бўлмаганлигини таъкидлаб, бу фикрни инкор этадилар. Қ.Содиқов эса, Бобур ёзганларини янгича бир талқин қилади. Унинг талқинида Бобур шундай демоқчи: "Эли туркдир. Шаҳри ва бозорларида туркий билмас киши йўқдир. Элининг лафзи қалам билан[ёзма адабиёт тили, ёзма адабий тил билан] мосдир. Не учунким[ажабланарлиси], Мир Алишер Навоийнинг таснифлари[асарлари], (унинг ўзи) Ҳирийда ўсиб-улғайганлигига қарамай, ушбу тилда [Фарғона ва Ҳирот адабий муҳитлари учун ягона бўлган адабий тилда]дир". Бизнингча, қўшилса бўладигани, тўғриси ҳам шу! Бобурнинг ушбу маълумотлари темурийлар давлатида ягона бир адабий тил амал қилганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, Қосимжон Содиқовнинг ушбу асарлари олимнинг ўн йиллар давомида мисқоллаб йиғиб, ардоқлаб келаётган ўй-фикрларининг, илкин манбаларни илмий таҳлил этиш асосида юзага келган қарашларининг яхлит системага солинган мажмуи, деб баҳоланиши мумкин. Айтиш керакки, Қосимжон Содиқов тинмай изланадиган олим. Ушбу асарларда қаламга олинган ғояларнинг тадрижий давомини унинг келгусида ёзилажак янги-янги асарларида ўқирмиз, деган умиддамиз.

**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ, Мирсодиқ ИСҲОҚОВ**

